

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 336.71.009.12(575.1)

МИРЗАЕВ ФАРХОД ИСАМОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА БАНКЛАРАРО РАҚОБАТНИ
ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ**

08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит»

**Иқтисод фанлари доктори
илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация**

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида бажарилган.

Илмий маслаҳатчи: иқтисод фанлари доктори, профессор
Абдуллаева Шарбат Зулфикаровна.

Расмий оппонентлар: иқтисод фанлари доктори, профессор
Олимжонов Одил Олимович;

иқтисод фанлари доктори, профессор
Иминов Одилжон Каримович;

иқтисод фанлари доктори
Каримов Норбой Ғаниевич.

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки.

Химоя Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар химояси бўйича Д.005.25.01 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгашнинг 2009 йил «30» сентябр соат «4⁰⁰» да ўтадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Ҳ.Орипов кўчаси, 16-уй.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2009 йил «25» сентябр да тарқатилди.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози халқаро банк тизимини синовдан ўтказиб, уни тубдан қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Банк–молия тизимидаги инқироз ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатидан бошланиб, унинг кўлами кенгайиб йирик банклар билан бир қаторда молиявий тузилмаларни ҳам қамраб олди. Бунинг натижасида аксарият мамлакатларда ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда иқтисодий ўсиш суръатларининг кескин пасайиб кетиши кузатилди.

Жаҳон молия тизимидаги инқироз ипотека кредитларини беришда талабларнинг бўшаштирилиб юборилиши, уй-жой нархининг ва кредитга яшаш омилининг асоссиз ўсиши, бошқарув назорати ва рақобат муҳитининг сустлиги молиявий-иқтисодий инқирознинг кенгайиб чуқурлашувига олиб келди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсирини камайтиришга қаратилган инқирозга қарши чоралар Давлат дастури қабул қилиниши ва амалга оширилиши инқирознинг мамлакатимиз ривожланишига салбий таъсирини юмшатишга имкон бермоқда. Шу боис ҳам, юртбошимиз асарида "...жаҳон молиявий инқирозидан имкон қадар тез чиқиш, унинг оқибатларини енгиллаштириш кўп жиҳатдан ҳар қайси давлат доирасида ва умуман, дунё ҳамжамияти миқёсида қабул қилинаётган чоратadbирларнинг қанчалик самарадорлигига, уларнинг бир-бири билан уйғунлигига боғлиқ..."¹, дея таъкидлаб ўтилади¹.

Республикамизда амалга оширилаётган ўзига хос иқтисодий ислохот ва модернизация модели орқали бозор тизимида ўтишнинг тадрижий ёндошуви юртбошимиз томонидан белгилаб берилди. Айнан кўрсатилган йўл жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини таъсирини камайтириш ва юмшатиш имконини бермоқда. Юзага келган ҳолат ривожланган мамлакатларда узоқ йиллардан буён муттасил давлат бюджети тақчиллиги кузатилгани ва уларнинг салбий ташқи савдо балансига эга эканлиги, давлат ташқи қарзининг миқдори ялпи ички маҳсулотга нисбатан юқори бўлаётгани, ривожланган мамлакатларда қайта молиялаш ставкасининг паст даражада ушлаб турилиши оқибатида, жаҳон иқтисодиётида реал ва молиявий сектор ўртасидаги нисбатнинг кескин ўзгариши натижасида келиб чиқишига сабаб бўлди².

Тараққий этган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодиёт ривожланиши асосида рақобат ётади. Шу боис, рақобат муҳити шаклланиши бозор муносабатларига ўтган ҳар бир мамлакат учун ҳаётий заруратдир, чунки соғлом рақобатга йўл бермай иқтисодиётда рақобат муносабатларини ривожлантирмай туриб, бозор муносабатларини шакллантириб бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Тошкент, "Ўзбекистон". 2009. 6 б.

² Вахабов А.В. Жаҳон иқтисодий инқирозини юмшатиш омиллари. –Т.: "Халқ сўзи" газетаси, 2009., 2 апрель.

И.А.Каримов "Иқтисодиётни эркинлаштириш ҳақиқий рақобат муҳитини шакллантириш билан узвий боғлиқдир. Рақобат бўлмаса, бозор иқтисодиётини барпо этиб бўлмайди. Рақобат бозорнинг асосий шарти, айтиш мумкинки, унинг қонунидир"³ - деб таъкидлайди. Шундай қилиб, соғлом рақобат муҳити бозор иқтисодиётини ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади, иқтисодий ресурсларни тежамли ишлатишга, товар ва хизматларни кўплаб, сифатли ва арзон нархларда ишлаб чиқаришга, бозорда фаолият кўрсатувчиларни янгиликка интилишга ундайди ва у барқарор иқтисодий ўсишни таъминлайди. Ушбу бозорнинг бир шакли бўлган банклар ўртасидаги рақобат муҳитини шакллантириш бу бевосита мамлакат иқтисодий тизимини мустаҳкамловчи муҳим омил ҳисобланади.

Иқтисодиётни модернизациялаш бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берувчи банк тизимини шакллантириш, банкларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш, улар фаолиятини хусусийлаштириш асосида банкларнинг рақобатбардошлигига эришишини тақозо қилади. Юртбошимиз мамлакатимизда "Банклараро бозорда рақобат муҳитини яратиш, банк ва лизинг хизматлари сегментларини ривожлантириш, микрокредитлар ажратишни сезиларли даражада кенгайтириш учун барча имкониятларни ишга солиш зарур"лигини таъкидлаб ўтади⁴. Банклар ўртасидаги рақобатнинг сустиги улар фаолиятида маблағларни кўпроқ анъанавий операцияларга йўналтиришга ва янги банк маҳсулотлари таклифини сустилик билан жорий қилинишига олиб келади. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг банк тизимидан бошланганлиги, кредитга яшаш принципининг субъектлар ўртасида кенг тарқалиб бораётганлиги ва банк рискининг ошиши банклар ўртасидаги рақобат муҳитининг чуқур таҳлил қилинмаганлигидан далолат беради. Иқтисодий ислоҳотлар чуқурлашиб, банк тизимини эркинлаштиришга устуворлик берилаётган, банкларнинг иқтисодиёт реал секторини ривожлантиришдаги роли ошиб бораётган шароитда инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда тижорат банклари ўртасида соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш долзарблиги илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган муаммо ҳисобланади.

Шу билан бирга иқтисодиётни модернизациялаш босқичида тижорат банклари ўртасидаги рақобатни шакллантиришнинг концептуал асосларини яратишга қаратилган назарий-амалий муаммоларни чуқур тадқиқ этишнинг зарурлиги эса, тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Банклараро рақобат тушунчасига оид илмий концепцияларни, улар шаклланишининг иқтисодий механизми, ўзига хос хусусиятлари, рақобат курашини оптималлаштиришга қаратилган моделлаштириш усуллари ва услублари хорижлик иқтисодчи олимлардан Г.Л. Азоев, И. В. Бизюкова, Д. Д. Ван-хауз, А.Д. Голубович, Х. У. Дюринг, Е.В. Егоров, О.О. Замков, В.М. Усоскин, В.И. Хабаров, Г.А. Папирян, Р. Л. Миллер, И.А. Трахтенберг, И.О. Лаврушин, П. С. Роуз, Т.У.

³ Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан кураимиз. -Тошкент. «Ўзбекистон». 7-том. 1999. 393 -б.

⁴ Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари-олий кадрият. - Тошкент. «Ўзбекистон». 14-том. 2006. 34-б.

Кох, А.Г. Ким, П.В. Конюховский, Ю.И. Коробовларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган⁵.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида банклараро рақобат шаклланишининг баъзи амалий жиҳатлари ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Ш.З. Абдуллаева, Т.И. Бобоқулов, А.В. Вахабов, Ф.М. Муллажонов, О.К. Иминов, И.А. Каримов, А.А. Омонов, Д.Ф. Ғозибековларнинг илмий ишларида ўрганилган⁶.

Иқтисодий адабиётда банклараро рақобатнинг баъзи жиҳатлари ўрганилганлиги билан бирга, иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида Ўзбекистонда банклараро рақобатни шакллантириш ва ривожлантиришнинг концептуал асослари мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан яхлит, комплекс тарзда, махсус мустақил илмий-тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Илмий иш Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилди.

Тадқиқот мақсади: иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида банклараро рақобатни шакллантиришнинг концептуал асосларини яратиш ва ривожлантиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

– “Банклараро рақобат” ва “Банк рақобатбардошлиги” тушунчалари иқтисодий моҳиятини очиб бериш;

– банклараро рақобат муҳитини шакллантиришнинг назарий, ҳуқуқий-институционал асосларини такомиллаштиришга қаратилган амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

– тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш тизимининг банклараро рақобат муҳитини шакллантиришдаги ўрнини қучайтиришга қаратилган амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

⁵ Миллер Р.М., Ван-хауз Д.Д. Современные деньги и банковское дело. М., инфра-м, 2000, -с. 268-270.; Голубович А.Д. Управление банком. Москва, 1995. - с. 194; Уткина Э.А. Справочник банкира. -Москва, 1998. - с. 132; Лаврушина И.О. Управление деятельностью коммерческого банка (банковский менеджмент). -Москва, 2002.- с. 634; Голубович А.Д., Ситкин А.В., Хенкин Б.Л., Самоукина Н.В.. Управление банком. -Москва, 1995. - с. 15-17.; Ким А.Г., Петросян Д.С., Раскатов А.В. Банк и предприятие, стратегия управленческого взаимодействия. -Москва, 1998. - с. 16-17.; Трахтенберг И.А. Современный кредит и его организация.-Москва, 1931.-С.191.; Хабаров В.И. Банковский маркетинг. Учебное пособие. -Москва, 2000. - с. 73-78.; Егоров Е.В. Маркетинг банковских услуг. Учебное пособие. -Москва, 1999. - с. 13-17.; Ульрих Х.Д. Универсальный банк-банк будущего. - Москва, 2001. - с. 560.; Роуз П.С. Банковский менеджмент. -Москва, 1995. - с.743; Азове Г.Л. Конкуренция: анализ, стратегия и практика. -Москва, Центр экономики и маркетинга. 1996. - с.208.

⁶ Абдуллаева Ш.З.Банк рисклари шароитида тижорат банкларининг кредит портфелини диверсификациялаш. Иқтисод фанлари доктори...дис. автореферати – Тошкент: 2000. – 46 б.; Бобоқулов Т.И. Миллий валютани баркарорлигини таъминлаш: муаммолар ва счимлар. Монография. - Тошкент., 2007. - 183 б.; Вахабов А.В. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкнрози: сабаблари, хусусиятлари, чуқурлашиш босқичлари ва ижтимоий-иқтисодий оқибатлари. -Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. -Тошкент, “Молия”, 1-том. 2009. -б. 26-37.; Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий баркарорлик. -Тошкент. “Ўзбекистон” 2005.-516 б.; Иминов О.К. Бозор иқтисодиёти шароитида кредит тизими ва уни такомиллаштириш масалалари. Иқтисод фанлар доктори... дисс. автореферати. – Тошкент: 2001. – 21 б.; Омонов А.А. Тижорат банклари ресурсларини самарали бошқариш масалалари. Иқтисод фанлари доктори диссертация автореферати. –Тошкент, 2008. -37 б.; Ғозибеков Д.Ф. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Монография. -Тошкент. 2003. -313 б.

– ривожланган мамлакатлардаги банклараро рақобатни тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш ва уни миллий банклар амалиётига татбиқ этиш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

– банклараро рақобатни баҳолашнинг математик моделлаштириш усулларини таҳлил қилиш ва уларни банк тизимига жорий этиш бўйича амалий тавсиялар бериш;

– банк хизматлари бозоридаги рақобат омилларини баҳолашни (Херфиндал-Хиршман индекси) такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

– банклараро рақобат муҳитини шакллантиришда банк маркетинги ва стратегиясининг ўрнини аниқлаш;

– тижорат банклари рақобатбардошлигини баҳолашнинг миқдорий усулларини банк амалиётига татбиқ этишга қаратилган илмий таклифларни тавсия этиш;

– мамлакатимизни халқаро иқтисодий ташкилотларга аъзолигини мустаҳкамлаш ва унинг мамлакат банк хизматлари бозоридаги рақобатга таъсирини аниқлашга қаратилган амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

– республикамизда банклараро рақобатни шакллантиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

– молия-саноат гуруҳларининг банк хизматлари бозоридаги рақобатни шакллантиришдаги ўрнини кучайтиришга қаратилган амалий тавсияларни ишлаб чиқиш;

– республикамиз тижорат банклари ўртасидаги рақобат муҳитини шакллантиришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган илмий таклифларни ишлаб чиқиш;

– банклараро рақобатни баҳолашнинг концептуал асосларини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти республикамиздаги тижорат банклари фаолияти ҳисобланади.

Тадқиқот предмети тижорат банклари ўртасида рақобат муҳити шаклланиши ва ривожланиши жараёнида содир бўладиган иқтисодий муносабатлар йиғиндисидан иборат.

Тадқиқот методлари: математик моделлаштириш, гуруҳлаш, таққослаш, умумлаштириш, индукция ва дедукция, трендли таҳлил, иқтисодий-математик, эксперт баҳолашнинг Дельфи усулларидан кенг фойдаланилди.

Тадқиқот гипотезаси: диссертация ишида гипотезанинг ассоциация ва инверсия усулларидан фойдаланилган ҳолда, Ўзбекистонда банклараро рақобатни шакллантиришнинг концептуал асосларини жаҳон амалиётида қўлланилаётган концепциялар билан қиёсий чуқур таҳлил қилиш асосида тадқиқ этилган.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

– тижорат банклари ўртасидаги рақобатни баҳолашда рентабеллик ва жорий ликвидлик кўрсаткичлари асосида баҳолаш усуллари таклиф этилган. Баҳолаш мезонлари кучли рақобат 0,0-0,30, ўртача рақобат 0,31-0,60 ва монопол рақобат 0,61 дан юқори кўрсаткичлар меъёрида бўлиши мумкинлиги таклиф этилди. Жорий ликвидлик кўрсаткичларини 30%, 35% ва 40% ҳолатларига кўра, 2011 йилларгача бўлган илмий прогнозлар ишлаб чиқилди ҳамда даражаси аниқланди. Жорий ликвидлик кўрсаткичини ўртача 35% қилиб белгилаш таклиф этилди;

– тижорат банкларининг кредит бериш, инвестицияларни жалб этиш ва ҳудудларда банк филиалларини очиш ҳолатлари Даймонд, Хольстрём-Тироль, Салоп моделлари асосида таҳлил қилиниб, мазкур моделларни республика банк тизимига жорий этишга қаратилган илмий тавсиялар ишлаб чиқилди;

– республикамиз “Б5” тижорат банкларининг (ТИФ Миллий банк, “Ўзсаноатқурилишбанк”, “Агробанк”, “Асакабанк”, “Қишлоқ қурилиш банки”) банк хизматлар бозоридаги иқтисодий кўрсаткичлари асосида рақобатлашиш омилларини Херфиндал-Хиршман индекси орқали баҳолаш йўллари аниқланди ва банк хизматлар бозоридаги рақобатни баҳолаш мезонлари, кучли рақобат $x \leq 1000$ ораликда, ўртача рақобатни $1000 \leq x \leq 3500$ ораликда ва монопол ҳолатни $x \geq 3500$ ораликда олиш таклиф этилди;

– Кудашева мезонлари асосида “Б5” тижорат банкларининг рақобатбардошлиги даражасини микро ва макро даражада аниқлашга қаратилган амалий тавсиялар ишлаб чиқилди;

– эксперт сўровномаси асосида тижорат банклари рақобатбардошлигига таъсир этувчи омиллар Дельфи усули орқали баҳоланган ва уларнинг кучли, бевосита таъсир этувчи омиллари бўйича таклифлар берилди;

– Марказий банк хизматлар бозорида Херфиндал-Хиршман индекси асосида соғлом рақобатни мунтазам равишда назорат қилишда йирик тижорат банклари умумий банк кўрсаткичларидаги улуши 60 фоиз атрофида бўлиши тавсия этилди;

Илмий янгилиги:

– банклараро рақобат муҳитини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллашуви тўрт даврга бўлинган ҳолда ўрганиш асосланди;

– ривожланган давлатлардаги банклараро рақобат шароитида янги банк хизмат турлари (“Видеокиоск”, “ипотека паспорти” сервис хизмати ва интернет-банк хизмат турлари) таҳлил этилиб уларни республикамиз банк тизимига жорий этиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди;

– тижорат банкларининг стратегик концепциясини банкларнинг рақобат муҳитини микро, макро, мезо ва мета даражадаги стратегиялари асосида ташкил этиш таклиф этилди;

– тижорат банклари стратегик маркетинг фаолиятини ривожлантиришда банк реинжиниринги ва бенчмаркингдан фойдаланиш афзалликлари асосланди;

– молия-саноат гуруҳларининг банк хизматлар бозоридаги рақобатни шаклланишдаги ўрни аниқланди ва улар таъсирини кучайтиришга қаратилган амалий таклифлар ишлаб чиқилди;

– банклараро рақобатни баҳолашда “Омманинг кизикиши”, “Давлат устунлиги” ва “Эркин танлаш” концепциялари ўрганилиб, республикамиз банк хизматлар бозорида рақобат муҳитини микростратегия, макростратегия, мезостратегия ва метастратегия асосида давлат аралашувини таъминлаш орқали босқичма-босқич ташкил этиш концепцияси таклиф этилди;

– Марказий банк томонидан тижорат банкларига бериладиган овердрафт кредитларни уч кундан етти кунгача бўлган муддатда бериш амалиётини жорий этиш зарурлиги асосланди;

– тижорат банклари фоиз ставкалари ўртасидаги коридорни янада яқинлаштириш банк хизматлар бозоридаги ҳолатни янада юмшатишга олиб келиши асосланиб, умумий маржа миқдорини 4-7 фоиз ораллигида бўлишини таъминлаш зарурлиги таклиф этилди. Ушбу кўрсаткич Марказий Европа давлатларида 4-9 фоиз, АҚШда-2,7 фоиз, Швецияда-3,9, Голландияда-2,7, Бельгияда-3,7, Испанияда-3,0, Буюк Британияда-3,5, Италияда-2,5, Францияда-3,0 ва Германияда-2,5 фоизни ташкил этади. Фоиз маржасининг қанчалик юқори бўлиши банк харажатиининг юқорилигини, монополлашувини ва кредит рискининг юқори бўлишига олиб келиши асосланди;

– Бенчмаркинг концепциясидан фойдаланиш асосида банк миждозларини доимий равишда назорат қилишда BSC (балансда ушлаб туриш) усулидан фойдаланиш афзаллиги асосланди. Банкларнинг йирик сармояли миждозларининг айланма маблаглари, кредит портфелидаги, пассивлардаги ва пул оқимидаги улуши 25 фоиздан тушиб кетса зудлик билан таҳлил этилиши зарурлиги асосланиб, ушбу ҳолат миждозни доимий назорат қилиш имконини бериши асосланди;

– банк хизматлар бозорида банкдан ташқари ва кредит ташкилотларининг фаолият кўрсатиши рақобатнинг кескинлашувига сабаб бўлаётгани аниқланди. Жаҳон тажрибасини чуқур таҳлил қилиш асосида банкларнинг суғурта бозорида операцияларни ўтказишга рухсат бериш лозимлиги асосланиб, уларнинг суғурта бозоридаги улушини 10 фоиз атрофида бўлиши таклиф этилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти шундаки, илмий ишни ёзиш жараёнида олинган илмий хулоса ва ишлаб чиқилган амалий тавсиялардан республикамиз тижорат банклари ўртасидаги рақобатни шакллантиришнинг концептуал асосларини яратишда, келажакда банк хизматлар бозоридаги рақобатни ривожлантиришнинг фундаментал ва амалий жиҳатларини махсус, чуқур тадқиқ этишга бағишланган илмий-тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкин.

Иқтисодийetni модернизациялаш жараёнида банк хизматларининг стратегик муқобил сценарийси вариантлари, давлатнинг мақсадли дастурлари, ҳукуматнинг банклар самарадорлигини ошириш ва инвестицион

фаоллигини кучайтиришга қаратилган қарорларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Диссертация материалларидан олий ўқув юртларида “Тижорат банки молияси”, “Кредит”, “Замонавий банк иши”, “Халқаро банк иши”, “Банк ва кредит рисклари” фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқот жараёнида олинган илмий хулоса ва амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (2009 йил 27 апрелдаги №19-49/401-сонли далолатномаси), Акционерлик тижорат “Агробанки” (2008 йил 2 сентябрдаги №01/11-сонли далолатномаси), Акциядорлик тижорат “Қишлоқ қурилиш банки” (2009 йил 14 январдаги №1-сонли далолатномаси) томонидан амалиётга жорий этилган.

Диссертация натижаларидан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси (2009 йил 19 августдаги маълумотнома) ва Тошкент Молия институтида (2008 йил 3 ноябрдаги маълумотнома) “Тижорат банки молияси”, “Кредит”, “Замонавий банк иши”, “Халқаро банк иши”, “Банк ва кредит рисклари” фанларини ўқитишда фойдаланилмоқда.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертациянинг асосий ғоя ва хулосалари “Қимматли қоғозлар бозорида ҳозирги замон ахборот технологияларидан фойдаланиш муаммолари” (Тошкент, 2003), “Қимматли қоғозлар бозорини фундаментал ва техник таҳлил қилишдаги муаммолар” (Тошкент, 2004), “Ўзбекистон Республикаси банк ва молия тизимларида ислохотларни чуқурлаштириш муаммолари” (Тошкент, 2005), “Ипотечное кредитование международный опыт, проблемы и перспективы развития” (Ташкент, 2006), “Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш тамойиллари, устувор йўналишлари ва истиқболлари” (Тошкент, 2006), “Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришда корпоратив бухгалтерия ҳисоби, молиявий таҳлил ва аудитнинг асосий йўналишлари” (Тошкент, 2006), “Ўзбекистонда яхши корпоратив бошқарув амалиётини жорий қилиш муаммолари” (Тошкент, 2006), “Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси Банк-молия тизимининг ривожланиши” (Тошкент, 2006), Социально - экономические закономерности развития мирохозяйственных связей в условиях усиления интеграционных процессов” (Ташкент, 2006), “Актуальные проблемы экономического развития в современных условиях” (Ташкент, 2007), “Развитие розничного банковского бизнеса” (Ташкент, 2007), “Дальнейшее углубление реформ в банковско-финансовой системе Узбекистана” (Москва, 2007), “Аҳоли бандлиги ва фаровонлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни” (Тошкент, 2008), “Международный опыт создания финансово-промышленных групп и проблемы совершенствования корпоративного управления в Узбекистане” (Москва, 2008), “Иқтисодий ўсишнинг янги сифати: инновация, рақобатбардошлик, инвестициялар” (Тошкент, 2008), “Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида минтақаларнинг барқарор ривожланиши” (Тошкент, 2008), “Инвестиционный потенциал банков: вызовы, возможности и перспективы” (Ташкент, 2008), Иқтисодиётни

эркинлаштириш шароитида молия бозорини такомиллаштириш (Тошкент, 2009), Банк тизимини такомиллаштириш ва тижорат банклари инвестицион фаоллигини ошириш (Тошкент, 2009), Ўзбекистонда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва таъсирини бартараф этишнинг минтақавий хусусиятлари (Бухоро, 2009) мавзуларидаги халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган ва маъқулланган. Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси “Пул муомаласи ва кредит” кафедрасининг кенгайтирилган мажлисида ва Бирлашган иқтисослашган кенгаш хузуридаги илмий семинар мажлисида муҳокама қилинган ва химояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация иши натижалари 2 та монография, 14 та мақола ва 23 та тезис кўринишида, жами 39 дан ортиқ илмий ишларда нашр қилинган бўлиб, уларнинг умумий ҳажми 35 босма табоқдан иборат.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот иши таркибан кириш, бешта боб, хулоса ва таклифлар, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация матни 275 бетни ташкил этиб, унда 41 та жадвал, 29 та расм ва 38 та иловалар ўрин олган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Мамлакатимиз иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида банкларнинг хизмат кўрсатиш фаоллигини ошириш, барқарор суръатларда ривожлантириш иқтисодий ислохотларни амалга оширишни устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Банк хизматлар бозоридаги рақобатнинг кескинлашиб бориши, банкларнинг рақобат бозорида турли хизмат турларини кўпайтириш ва уларнинг сифатини оширишни талаб этмоқда. Ушбу ҳолат албатта иқтисодий адабиётда банк хизматлари бозоридаги рақобат ва банклараро рақобат тушунчаларининг турли хил талқин қилиниши иқтисодий моҳиятини чуқур таҳлил этишни тақозо этади.

Фикримизча, банклараро рақобатнинг ривожланиши банклар ўртасидаги муносабатларнинг ривожланишига таъсир этиб қолмасдан, балки бевосита иқтисодиётнинг барқарор суръатларда ривожланишига ўз таъсирини ўтказлади. Ўз навбатида, банклараро рақобат муҳити ривожланиши жараёнида, банк тизими маҳсулотлари хилма-хиллик даражасининг ортиб бориши хорижий инвестицияларни жалб этиш имкониятини ошириб, реал секторда товар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш, кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ривожланишига ва рақобатбардош маҳсулотлар улуши ортишига олиб келади.

Банклараро рақобат кўпқиррали иқтисодий категория бўлиб, бошқа бозорлардаги рақобат муҳити шаклланишидан тубдан фарқ қилади. Фикримизча, банклараро рақобат хусусиятлари қуйидагилардан иборат: банклараро рақобат, товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги рақобатга нисбатан кеч вужудга келган бўлсада, барқарор суръатларда ўсиб

бормоқда; банклараро рақобат бозорида банклар билан биргаликда банкдан ташқари молия-кредит институтлари иштирок этади; банклараро рақобат бозорида банклар бир ҳолатда сотувчи, иккинчи ҳолатда эса, харидор сифатида иштирок этади, республикамиз банклари рақобат бозорида ҳозирги кунда фақат кредит ресурсларини сотиб олувчи сифатида иштирок этмоқда; банк ишининг ҳар бир йўналиши ўзининг алоҳида хусусиятига эга бўлиб, интенсив рақобатни ташкил этиш имконини беради; баҳоли рақобатни чегаралаш, бу биринчи навбатда, банк хизматини бошқариш сифатини ошириш ва рекламани ташкил этишда муаммо келтириб чиқаради; банк хизматлари бозори олигопол табақалашган бозор бўлиб, корпорация ва кредит институтларининг бозор сиёсатини олиб бориш имкониятини оширади.

Халқаро банк амалиётида замонавий банклараро рақобатни шакллантириш қуйидаги босқичлардан иборат: банк фаолиятини универсаллаштириш; давлат томонидан банк фаолиятини бошқаришни эркинлаштириш; кредит институтлари фаолиятини кенгайтириш; банклар бозорига банкдан ташқари молиявий институтларни жалб этиш; баҳосиз рақобат қийматини ошириш; банклараро рақобатни глобаллаштириш; банклараро рақобатни интенсив кучайтиришнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, банклараро рақобат деб, банк хизматлари бозорида ресурсларни жалб этиш, маблағларни жойлаштириш ва бошқа барча банк хизмат турларини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатларга айтилади.

Бугунги кунда замонавий тижорат банклари фаолият доираси барча бозор сегментларини қамраб олаётгани кузатилади. Бунда банклараро рақобат жараёнини миллий иқтисодиётнинг муҳим секторидан бири ҳисобланган молиявий бозорга қаратиш зарур бўлади. Яъни, молиявий бозорда банклар бошқа молиявий институтлар билан қуйидаги шаклларда рақобат олиб боради. Биринчидан, тижорат банклари ўртасидаги рақобат (универсал ва махсуслашган банклар). Рақобатнинг кескинлашуви ушбу банклар фаолиятини универсаллаштиришга олиб келади, бу эса, ўз навбатида, “банклар супермакетини” яратишга, бозор шароитида юзага келувчи жараёнларни тўғри баҳолаган ҳолда бозор конъюнктурасини яратишга, яъни банкнинг рақобатбардошлигини оширишга олиб келади. Тижорат банклари учун иккинчи даражали рақобат бу-банкдан ташқари молия-кредит институтлари билан бўладиган рақобат ҳисобланади. Ушбу институтларга кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари, суғурта компаниялари, инвестиция фондлари, молиявий брокерлар ва бошқа субъектлар киради.

Тижорат банкларининг учинчи даражали рақобати-молиявий институтлардан ташқари муассасалар бўлиб, буларга савдо уйи, почта, авто ишлаб чиқариш ташкилотлари ва бошқалар киради. Шунингдек, жаҳон амалиётида қуйидаги рақобат турлари мавжуд: а) индивидуал рақобат-алоҳида кредит институтлари рақобати; б) гуруҳ рақобати - молия-кредит институтларидан ташкил топган гуруҳлар МСГлар (молия-саноат гуруҳлари)

ўртасида содир бўлади. Тижорат банклари рақобати банк маркетинги ахборотларига таянган ҳолда, чуқур таҳлиллар олиб бориш ва аниқ баҳолашни тақозо этади.

Фикримизча, рақобатни тўғри баҳолаш учун қуйидагиларни ҳисобга олиш зарур: рақобатни энг кучли томонларининг стратегиясини ишлаб чиқиш; банкнинг энг яхши хизмат турини марказлаштириш ва кучайтириш; энг яхши мижозларни ажратиб олиш; потенциал мижозларга хизмат кўрсатишни ижобий мотивациясини ташкил этиш; банк хизмат кўрсатишини кучли ва кучсиз жиҳатларини аниқлаш.

Амалиётда рақобатчилар қуйидаги гуруҳларга бўлинади: а) тўғри рақобатчилар–юқори иқтисодий ўсиш суръатига ва асосий фаолияти бўйича яхши натижаларга бўлган банклар киради; б) янги банклар– ўртасидаги рақобат эса хорижий банклар ва кичик банклар ўртасидаги рақобатдан иборат.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози банк хизматлар бозорига бевосита кучли рақобат таъсири кўрсатувчи молия-кредит институтлари ривожланишига олиб келди. Жаҳон молия бозорида иқтисодиётни кредитлар, молиявий воситалар билан таъминлашда банклар ўрнини йирик компаниялар эгаллай бошлади. Бу компаниялар банк бизнесининг инвестицияларни жалб этиш, облигациялар, акция ва деривативларни эмиссия қилиш, маслаҳатлар бериш ва ташкилотларга синдикатлашган кредитлар бериш каби функцияларини ўз зиммасига ола бошладилар.

Бундан ташқари, суғурта фаолиятининг ривожланиши, суғурта хизматларини кўрсатиш ва суғурта компанияларининг ўзаро ҳамкорлиги кенг йўлга қўйилиши молия бозорида рақобатнинг кучайишига олиб келди. Ушбу жараёнларнинг ривожланиши банк хизматлари бозоридаги рақобатнинг жадал суръатларда ривожланишига сабаб бўлди. Ушбу ҳолат ривожланган давлатларда компаниялар хизмат фаолиятининг иқтисодиётнинг барча тармоқларида кенгайиб бораётганидан далолат беради. Банклар бозоридаги рақобат кескинлашуви яна турли молиявий институтлар ривожланиши билан ҳам белгиланади.

1-жадвал

Жаҳонда банк, банкдан ташқари ташкилот, кредит-молия институтлари ва бошқа молиявий ташкилотларнинг умумий активларидаги улуши⁷


№	Муассасалар	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.
1.	Банклар	38	35	30	26	23	20
2.	Инвестиция фондлари	15	18	20	21	20	23
3.	МСГ	16	17	22	19	22	22
4.	Пенсия фондлари	11	12	9	10	9	11
5.	Ҳеж фондлари	4	6	5	4	3	2
6.	Суғурта компаниялари	5	4	6	7	8	12
7.	Бошқалар	11	8	8	13	15	10
	Жами	100	100	100	100	100	100

Улардаги хизмат турларининг хилма-хиллиги, сифат даражасининг юқорилиги ва вақтдан унумли фойдаланиши, маркетинг фаолиятининг юқори

⁷ Интернет маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

даражада эканлиги молиявий институтлар ривожланишига имкон бермоқда. Жаҳон амалиётида молия институтларига инвестиция фондлари, молиявий конгломератлар, пенсия фондлари, инвестиция пайчилари, сугурта компаниялари, кредит уюшмалари ва бошқа ташкилотлар киради. Юқорида келтирилган 1-жадвалда банкларнинг умумий активлардаги улуши 2003 йилда 38 фоизга тенг бўлган бўлса, 2007 йилга келиб 23 фоизга камайган. 2008 йилда ушбу кўрсаткичнинг ўзгариши бевосита жаҳон иқтисодий инқироз шароитида банкларнинг инқирозга учраши билан белгиланади. Инвестиция фондларининг кўрсаткичи 2003 йилга нисбатан 8 фоизга ошганини кўзатиш мумкин. Бу эса инвестиция жараёнларини амалга оширишда банкларга нисбатан инвестиция фондларининг актив иштирокини кўрсатади.

Жаҳон амалиётида аҳоли омонатларини инвестицияларга жалб этиш инвестиция фондлари ва банклар ўртасида кескин рақобатни юзага келтирмоқда. Ривожланган давлатларда инвестиция фондларига юқори талаб бўлган ҳолда ривожланаётган давлатларда ушбу кўрсаткич оз улушни ташкил этади. Жаҳон бозорида инвестиция фондларига кейинги йилларда талабнинг ошиб бориши турли омилларнинг таъсирида содир бўлмоқда.



1-расм. Жаҳондаги инвестиция фондлари сони ва активлари⁸

Айрим давлатларда инвестиция фондларига солиқ имтиёзларини бериш орқали фонд бозорини ривожлантиришга ургу берилди. Инвестиция фондлари ривожланиши электрон технология, транзакцион операциялари орқали банклар билан рақобатлашиш имконини оширди. Европа давлатларидан Люксембург, Ирландия, Швейцария, Осие давлатлари Гонконг ва Сингапур давлатлари инвестиция фондларига хорижий инвесторларга хизмат кўрсатиш учун барча қулайликларни яратиб берган. 2008 йилда инвестиция фондлари активларининг 53 фоизи АҚШда, 35 фоизи Европа давлатларига, бор-йўғи 11 фоизи қолган давлатлар ҳиссасига тўғри келган. 2008 йилда жаҳондаги инвестиция фондлари

⁸ Титов К., Буев А. Инвестиционные фонды в мире в условиях нестабильности международной финансовой системы// Международная экономика. –М.: 2009. –№4. –с.69-76.

60130 та бўлиб, уларнинг активлари 2007 йилда 26199 млрд. доллар бўлгани ҳолда, 2008 йилга келиб 18339 млрд. долларни ташкил этди⁹. Айрим давлатларда уй хўжаликлари молиявий активларининг 10-35 фоизини инвестиция фондлари бошқариб, уларнинг ЯИМдаги улуши 40-55 фоизга етди. Тижорат банкларининг навбатдаги рақобатчилари кредит уюшмалари бўлиб, Буюк Британияда улар “Жамоа институти”, “Қурилиш институти”, АҚШда “Кредит уюшмалари”, Францияда “Халқ банки”, “Қишлоқ кооперативлари”, Германияда “Кредит кооперативлари”, “Омонат ассоциацияси”, Японияда “Кредит корпорациялари” ва “Алоқа-омонат ассоциацияси” деб аталади.

Тахлилларимиз кўрсатишича, Буюк Британияда кредит уюшмалари балансида 78 фоизни кредитлар, 19 фоизини депозит ва кимматли қоғозлар ташкил этади. Францияда эса, ушбу институтларнинг банк активларидаги улуши 20,8 фоизга тенг бўлди. Ушбу мамлакатда кредит ташкилотларнинг қуйидаги шакллари мавжуд: халқ банки, қишлоқ хўжалиги кредити, оммавий кредит ва кооператив банк.

Германияда кредит уюшмаларига барча банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқи берилган бўлиб, улар сони 2008 йилда 438 тани ташкил этди. Кредит уюшмалари баланси 1045,3 млрд. евродан иборат бўлиб, улар ҳиссасига банк тизимидаги депозитларнинг 17 фоизи ва кредитларнинг 13 фоизи тўғри келди.

2-жадвал

Республикамиздаги фаолият юритаётган банк ва кредит уюшмаларининг иқтисодий кўрсаткичлари¹⁰

№	Кўрсаткичлар	2002 й.	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.
1.	Кредит уюшма активлари, млрд. сўм	1,0	4,2	6,3	7,3	17,0	48,4	112,0
2.	Кредит уюшма кредитлари, млрд. сўм	0,3	3,0	5,4	6,7	14,6	42,9	102,4
3.	Кредит уюшмасига жалб этилган депозитлар, млрд. сўм	0,16	2,7	4,6	6,9	12,5	34,5	81,3
4.	Банкларнинг кредитлари, млрд. сўм	2821,1	3161,2	3595,5	3876,0	4104,2	4777,6	6372,0
5.	Банкларнинг депозитлари, млрд. сўм	520	990,3	1272,2	1688,7	2544,5	3829,2	5771,0
6.	Банкларнинг умумий капиталли, млрд. сўм	727,4	790,6	824,1	930,9	1070,1	1502,6	2104,0
7.	Банк активлари, млрд. сўм	3918,2	4416,2	5004,2	5630,6	7207	9276	12065
8.	Кредит уюшмалари активларининг/ЯИМдаги улуши, (фоиз ҳисобида)	0,01	0,04	0,05	0,05	0,08	0,20	0,30
9.	Кредит уюшмалари активларининг/Банк активларидаги улуши, (фоиз ҳисобида)	0,03	0,09	0,13	0,13	0,24	0,52	0,93
10.	Банк активларининг/ЯИМдаги улуши, (фоиз ҳисобида)	52,46	44,89	41,05	37,02	34,72	37,72	32,75

⁹ Титов К., Буев А. Инвестиционные фонды в мире в условиях нестабильности международной финансовой системы// Международная экономика. -М.: 2009. -№4. -с.69-76.

¹⁰ Тижорат банклари ва кредит уюшмалари ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

АҚШ кредит уюшмалари солиқ туламайдиған ташкилотлар ҳисобланади. АҚШда кредит уюшмалари сони 7904 тадан иборат бўлиб, уларнинг умумий активи 800 млрд. долларни ташкил этди¹¹. Шунингдек, уларнинг умумий мажбуриятлари 713,5 млрд. доллар ва капиғали 88,2 млрд. долларга тенг бўлди.

Республикамизда 2009 йилда Марказий банк томонидан 78 та кредит уюшмаси, 34 та ломбард ва 26 та микрокредит ташкилоти рўйхатга олинган. Республикамиздаги кредит уюшмаларининг ЯИМдаги улуши 2008 йилда 0,3 фоизни, банкларнинг улуши эса 32,7 фоизни ташкил этган, (2-жадвал). Бугунги кундаги банк хизматлари бозоридаги ҳолатни таҳлил қилиб тижорат банклари билан рақобат қилувчи банкдан ташқари ташкилотларнинг улуши ривожланмаган деб, хулоса қилиш мумкин. Ушбу ҳолат эса, ўз навбатида, банк хизматлари бозорида фақат банклар ўртасидаги рақобатнинг кескинлашувига олиб келган.

Юқоридаги сабабларга кўра, банкларнинг ликвидлик ва рентабеллик кўрсаткичлари асосида бозордаги рақобатга микро даражада баҳо берамиз. Банк хизматлари бозоридаги рақобатни республикамизнинг 5 та йирик тижорат банкларини (“Б5”)¹² кўрсаткичларидан фойдаланган ҳолда таҳлил қилиб баҳслаймиз.

Банкларнинг рақобат чегарасини баҳолаш учун вариация усулидан фойдаланиб, куйидаги формула орқали аниқлаймиз:

$$U_D = 1 - \frac{\sigma(D)}{D_{sp}} \quad \text{ёки} \quad U_D = 1 - \frac{\sqrt{(1/n)\sum(D_i - D_{sp})^2}}{D_{sp}} \quad (1)$$

Бу ерда, U_D -рақобат коэффиценти, $\sigma(D)$ -вариация коэффиценти, D_{sp} - D_i ларнинг ўртача арифметик қиймати, n -танланган банкларнинг сони. Агар, $D_{sp} = (1/n)$ деб қабул қилсак, (1) формула куйидаги кўринишни олади:

$$U_D = 1 - n\sqrt{(1/n)\sum(D_i - (1/n))^2} \quad (2)$$

Жорий ликвидлик кўрсаткичининг минимал ҳолатини 30% қилиб белгиланганини ҳисобга олган ҳолда республикамиз банкларининг жорий ликвидлик кўрсаткичини ўртача чегараси 60% деб қабул қиламиз. У ҳолда рақобат чегарасини жорий ликвидлик коэффиценти орқали баҳолашнинг иккинчи формуласи куйидаги кўринишга эга бўлади:

$$U_{Tp} = \left| 1 - \frac{T_p - 30}{30} \right| = \left| \frac{60 - T_p}{30} \right| \quad (3)$$

Бу ерда, T_p -йиллар бўйича жорий ликвидлик коэффицентларининг ўртача даражаси.

Учинчи усул орқали банкларнинг рентабеллик кўрсаткичларидан фойдаланган ҳолда, рақобат кўрсаткичларини ҳисоблаб топиш формуласи куйидаги кўринишга эга бўлади: $P_p = \frac{OP}{5}$ $U_p = 1 - P_p$ (4)

¹¹ www.bis.org интернет маълумотлари асосида тайёрланган.

¹² Жаҳон амалиётида банк хизматлари бозоридаги рақобатни 3 та (“Б3”), 5 та (“Б5”) ва 10 та (“Б10”) тижорат банклари кўрсаткичларидан фойдаланган ҳолда баҳоланади.

Бу ерда, ОР – йиллар бўйича рентабеллик кўрсаткичларининг ўртача даражаси. Топилган қийматларни умумлаштириб 2,3,4-формулардан фойдаланган ҳолда банклар бозоридаги рақобат кўрсаткичларини аниқлаб топиш формуласи куйидагича кўринишда бўлади:

$$U_k = \sqrt[3]{U_D * U_{I_p} * U_r} \quad (5)$$


Бу кўрсаткичнинг қиймати 0 ва 1 оралиғида баҳоланиб, қийматнинг 0га қанчалик яқин бўлиши банк хизматлар бозорида рақобатнинг кучлилигини ифодаласа, 1 га яқинлиги бозордаги ҳолатнинг монополлашувини билдиради. Юқоридаги формулардан фойдаланган ҳолда “Б5” банкларининг 2001-2008 йиллардаги рентабеллик ва жорий ликвидлик кўрсаткичлари асосида рақобат даражасини ҳисоблаб куйидаги кўринишга эга бўламиз, (3-жадвал):

3-жадвал

“Б5” банкларининг рентабеллик ва жорий ликвидлик кўрсаткичлари асосида рақобат даражаси¹³

Кўрсаткичлар	2001 й.	2002 й.	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.
$\sqrt[3]{U_D * U_{I_p} * U_r}$	0,181	0,046	0,019	0,081	0,053	0,023	0,021	0,032
U_k	0,57	0,36	0,27	0,44	0,38	0,29	0,28	0,32

Республикамизда 2008 йилда банкларнинг рақобат даражаси ўртача 0,32 тенг бўлганини кузатиш мумкин. Фикримизча, 2009-2011 йилларда банклар бозорида рақобат даражаси 0,1 бирликка камайиб кучли рақобат чегарасига яқинлашишини прогноз қилиш мумкин бўлади. 5-формуладан фойдаланиб, таҳлиллар асосида банк хизматлари бозоридаги рақобат чегараларини куйидагича белгилаб оламиз: 0.0-0.30 оралиғидаги ҳолатни рақобатнинг энг кучли чегараси, 0.31-0.60 оралиғидаги ҳолат ўртача рақобат ва 0.61 дан юқори чегара монополлашув даражасини белгилаб беради. Олинган натижалар асосида 2009-2011 йиллар учун республикамиз банк хизматлари бозори прогнози куйидаги кўринишга эга бўлади:



2-расм. Тижорат банклари хизматлари бозоридаги рақобатнинг турли жорий кўрсаткичлари прогнози¹⁴

¹³ Муаллиф томонидан тузилди.

Фикримизча, тижорат банкларининг 2009-2011 йилларда банк хизматлари бозоридаги рақобат даражаси аста-секин шаклланаётганини кўрсатмоқда. Биз, 2-расм оркали тижорат банкларимиз жорий ликвидлик коэффициентини 30, 35 ва 40 фоиз бўлган ҳолларда банк хизматлари бозорида рақобатнинг муқобил прогнозини таҳлил қилдик. Агар, тижорат банкларининг жорий ликвидлик кўрсаткичи 35 фоиз қилиб белгиланса, унинг бозордаги рақобатга таъсири монополашув ҳолатида бўлмайди. Ушбу ҳолат чегарасини ўзгартириш учун эса, банклар бозорида янги турдаги маҳсулотларнинг кириб келиши ва хизмат турлари сифатини янада ошириш, тижорат банкларининг ликвидлик ва рентабеллик кўрсаткичлари даражасини янада орттириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатади.

Жаҳон амалиётида банклар ўртасидаги рақобатни баҳолашда 1982-1987 йилларда Бреснахана ва Панзара-Росса томонидан яратилган моделлар қўлланилиб, улар банк хизматлар бозоридаги монополия, олигополия ва соғлом рақобат мухитини баҳолаш имконини берган.

4-жадвал

Бреснахан моделини қўллашдаги кўрсаткичлар¹⁵

Муаллифлар	Давлат	Модел	Бозор	Натижалар
Бикер Хафф 2000 йилда	9 та давлат 1991-1998 йй.	Олигопол	Кредит ва депозит бозорида	Соғлом рақобат
Клирен Канхота 2004 йилда	Португалия 1990-1995 йй.	Баҳоли олигопол	Депозит бозорида	Банклар фаолияти рақобатга яқинрок
Спеллер Фаваро 1984 йилда	Уругвай 1970-1980 йй.	Сонли олигополия	Кредит бозорида	Олигопол
Дюто Коккорсе 2004 йилда	Италия 1988-2000 йй.	Баҳоли олигопол	Кредит бозорида	Банклар фаолияти рақобатга яқинрок
Желфанд Спиллер 1985 йилда	Уругвай 1977-1980 йй.	Сонли олигополия	Кредит бозорида	Рақобат мавжуд
Грубен Маккоб 2003 йилда	Мексика 1987-1993 йй.	Сонли олигополия	Бозор бўлиб ўрганилмаган	Соғлом рақобат

Ушбу моделлар қатор мамлакатлар олимлари томонидан банк соҳасида кенг қўлланилган. Бреснахана моделида бозорда N та банк фаолият олиб борсин. Банкнинг умумий хизмат кўрсатиш ҳажми q , га тенг бўлсин. Банкларнинг барчасини хизмат кўрсатиш ҳажми $Q = \sum q_i$. Банкларнинг хизматига бўлган талаб функцияси қуйидаги кўринишда бўлади. $p = d(Q, V)$, бу ерда p баҳо, V -талаб эгри чизигига таъсир этувчи омиллар. Банкларнинг харажат функцияси $C_i = C_i(q_i, w_i)$ га тенг бўлсин. Бреснахана моделини юқоридаги ҳолатлар асосида умумий баҳолаш формуласи қуйидаги ҳолда келтирилади: $p = MC_i - d_i q_i \theta$, бу ерда, θ , Бреснахана моделида банкларнинг

¹⁴ Муаллиф томонидан тузилди.

¹⁵ Gelos W., Roldos J. Consolidation and Market Structure in Emirqinq Market Banking system. IMF Working, 2004. - P. 186-187.

олигополия шароитида рақобатни белгилаб берувчи индекс деб белгилайдилар. Уларнинг фикрича, $\theta_1 = 0$ тенг бўлса, бозорда рақобатнинг мавжудлигини белгилайди, $\theta_1 = 1$ га тенг бўлса банклар бозориди монополистик ҳолат ҳукмронлик қилиши таъкидлаб ўтилади. Бу моделнинг камчилиги шундаки, банкларнинг бозордаги ҳолатида θ_1 ларнинг қиймати турлича бўлиши мумкин. Натижада, юқорида билдирилган фикрлар ўз тасдиғини топмайди. Шунинг учун муаллиф ушбу моделни банкларнинг харажатлари бир хил бўлган ҳолда қўллаш мумкинлиги асослаб беради.

Қуйидаги жадвалда Панзара-Росса моделини амалиётга жорий этилганлиги тўғрисидаги маълумот келтирилган. Панзара-Росса моделида H қиймати орқали монополистик ҳолатдаги банклар бозорига баҳо берилган. Бу формуланинг кўриниши қуйидагича: $H = \sum_i \frac{\partial R}{\partial v_i} \frac{v_i}{R}$ (6) H нинг қиймати

ўзгариши бозордаги тенглик ҳукмронлик қилган даврда намоён бўлади. Ушбу кўрсаткичга таъсир қилувчи омилларнинг баҳоси 1 фоизга ўзгариши унинг канчалик қиймати ўзгаришига таъсир этиши билан баҳоланади. Агар $H < 0$ бўлса, бозордаги ҳолат монополлашган, агар $0 < H < 1$ бўлса, монополлашган рақобат ва агар $H = 1$ бўлса, бозорда соғлом рақобат муҳити юзага келишини асослаб берадилар.

5-жадвал

Панзара-Росса моделини қўллашдаги кўрсаткичлар¹⁶

Муаллифлар	Давлат	Натижалар
Бикер Хафф 2000 йилда	23 та давлат 1991-1998 йй.	Монопол
Бикер Хафф, Стиф Гронвелд 2000 йилда	ЕИ давлатлари 1989-1996 йй.	Монопол
Родрегис Гелос, Корт Ролдос 2002 йилда	8 та ривожланган давлатлар 2000 йй.	Монопол
Дюто Коккорсе 2004 йилда	Италия 1997-1999 йй.	Монопол
Жлансис Хондройаннис, Лолос Папаретроу 1999 йилда	Греция 1993-1995 йй.	Монопол
Стефан Моленеукс, Лоуд Вишламс, Гансалес Тхорнтон 1994 йилда	Германия, Франция, Англия, Италия, Испания 1986-1989 йй.	Монопол

Ушбу моделдаги асосий камчилик олимлар фикрича, бозордаги банклар фаолияти бир хил тенглик шароитида амалга оширилган ҳолатда баҳолаш мумкинлигини кўрсатмоқда. Таҳлилларимиз кўрсатишича, банклар бозоридидаги амалга оширилаётган операцияларда уларнинг харажатлари турлича эканлиги аниқланди. Фикримизча, бозордаги рақобатни баҳолаш учун ушбу модел етарли бўлмайди.

¹⁶ Gelos W., Roldos J. Consolidation and Market Structure in Emirqinq Market Banking system. IMF Working, 2004. -P. 186-187.

Баъзи иқтисодчилар Баррос-Модеста моделида банкларнинг хизматларига бўлган талаб функциясидан фойдаланган ҳолда, банклар бозоридаги рақобатни баҳолаш зарурлигини кўрсатиб берганлар. Ушбу функциянинг кўриниши куйидагича бўлиб, $U(x)+m$ буерда $x=(L_1, \dots, L_n, D_1, \dots, D_n)$ (7) банкларнинг хизмат кўрсатишлари (кредит, депозит ва бошқалар) m - бошқа маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишларга сарфланган харажат ҳажми. Ушбу моделнинг бошқа моделлардан афзаллиги шундаки, бунда қатор омиллардан фойдаланган ҳолда рақобатни баҳолаш имконияти мавжудлиги кўрсатиб берилган.

Фикримизча, банклар фаолиятининг ривожланиб бориши, уларнинг айрим омиллар орқали бозордаги ҳолатини баҳолаш имконини бермайди. Юқоридаги моделлардан фаркли ўлароқ республикамиз “Б5” банкларининг муҳим иқтисодий кўрсаткичларидаги улушини таҳлил қилган ҳолда, банк хизматлари бозоридаги рақобат даражасини баҳолашга ҳаракат қиламиз. Тижорат банкларининг жами активлари ўртача ўсиш суръати 2002-2008 йилларда 34,5 фоизни ташкил этди. 2008 йилда мамлакат банк сектори 12,1 трлн. сўмни ташкил этди ва банк активлари ЯИМдаги улуши 32,7 фоизга тенг бўлди. 6-жадвал таҳлили кўрсатишича, банк хизматлари бозорида умумий активларнинг аксарият қисми йирик банклар ҳиссасига тўғри келган.

6-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг умумий активларида “Б5” банклари улушининг ўзгариши, (фоиз ҳисобида)¹⁷


Тижорат банклари	Йиллар							
	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008
Тижорат банкларининг умумий активлардаги улуши								
Тижорат банклари умумий активлари, (фоизда) шу жумладан:	100	100	100	100	100	100	100	100
Миллий банк	58,3	50,4	65,7	55,9	51,3	41,5	35,0	34,3
Асака банк	8,9	8,5	5,6	10,3	10,6	11,1	13,9	12,3
Ўзсановқурилиш банки	9,6	8,3	7,1	7,9	9,3	12,5	10,4	11,8
Агробанк*	3,2	5,3	5,7	4,8	6,2	7,0	8,3	8,0
Қишлоқ қурилиш банки*	2,4	1,9	2,4	2,0	1,2	1,1	1,2	1,4
Йирик банклар улуши	82,3	74,5	86,4	80,9	78,6	73,1	68,8	67,7

6-жадвал маълумотлари таҳлили кўрсатишича, агар 2002 йилда йирик банклар банк активларидаги улуши 82,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2009 йилда кескин камайиб 67,7 фоизга тенг бўлди ёки 14,6 пунктга пасайди. Ушбу жараён ТИФ Миллий банкида яққол намоён бўлади. 2001 йилда Миллий банкнинг умумий активлардаги улуши 58,3 фоизни ташкил этган ҳолда, 2008 йилдаги улуши 34,3 фоизга тенг бўлган ёки 24 фоизга камайган. Ушбу ҳолат ТИФ Миллий банкка банк хизматлари бозорида ҳукмронлик

¹⁷ Тижорат банклари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

*“Галлабанк” ва “Пахтабанк” номлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 мартдаги ПҚ-1083 ва ПҚ-1084 сонли Қарорларига мувофиқ, “Қишлоқ қурилиш банк” ва “Агробанк”ка ўзгартирилган.

килиш имконини беради. Йирик банклар ичида “Қишлоқ қурилиш банки”нинг умумий банклар активларидаги салмоғи 2002, 2004 ва 2005 йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлган ҳолда 2007-2008 йилларда 0,1-0,2 фоизга ўсган.



3-расм. “Б5” банкларининг депозит бозоридаги улуши¹⁸

2003 йилда ТИФ Миллий банкнинг банк хизматлари бозоридаги улуши 35,1 фоизга тенг бўлган ҳолда, 2008 йилга келиб улуши 21,7 фоизга тенг бўлди ёки 13,4 пунктга пасайди. “Б5” банкларининг депозит бозоридаги улуши эса, 2009 йилда 47 фоиздан ортиқ бўлиб, депозитлар бозорида кучли рақобатнинг юзага келганини англатади.

Тижорат банклари фаолияти молиявий барқарорлигининг индикатори банкнинг устав капитали ҳисобланади. “Тижорат банклари капиталининг етарлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низом” га асосан банкларнинг минимал устав капитали хусусий банклар учун 2,5 млн.евро ва акциядорлик тижорат банкларига 5 млн.евро эквивалентида бўлиши талаб қилинади. Республикамызда банкларнинг юқори даражада капиталлашувини таъминлаш мақсадида умумий сармомияни 2010 йилга қадар ҳар йили камида 20 фоиздан ошириб бориш назарда тутилган.

Иқтисодиётнинг эркинлашуви босқичида тижорат банклари капиталлашувининг асосий улуши йирик тижорат банклари ҳиссасига тўғри келган. Йирик банкларнинг банк тизими умумий капиталидаги улуши 2001 йилда 91,9 фоизни ташкил этган ҳолда, 2008 йилда 56,2 фоизга тенг бўлди. Фикримизча, банк хизматлари бозорида бошқа банкларнинг иштирокини

¹⁸ Тижорат банклари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

янада фаоллаштириш зарур бўлади. Гижорат банкларининг капиталлашуви даражасини улар томонидан акциялар чиқариш ва фонд биржасида жойлаштириш орқали аҳоли, хўжалик юритувчи субъектлар, хорижий инвесторлар маблағлари эвазига кўпайтириш зарур бўлади.

7-жадвал

Ўзбекистон Республикаси банклари капитали ва унда “Б5” банкларининг улуши, (фонз ҳисобида)¹⁹

Тижорат банклари	Йиллар							
	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008
Тижорат банкларининг банк капиталидаги улуши								
Тижорат банклари капитали, (фонзда) шу жумладан:	100	100	100	100	100	100	100	100
Миллий банк	54,8	36,3	31,6	30,5	26,6	23,2	40,5	32,8
Асака банк	25,7	16,1	18,7	17,3	16,6	14,8	11,6	9,2
Ўзсаноатқурилиш банк	5,0	3,7	3,8	3,8	3,7	4,3	5,1	7,2
Агробанк	5,2	4,9	5,8	6,2	6,3	6,2	6,7	5,5
Қишлоқ қурилиш банк	1,2	1,4	1,6	1,9	1,9	1,8	1,8	1,5
Йирик банклар улуши	91,9	62,4	61,6	59,7	55,1	50,3	65,8	56,2

Банкларнинг юқори даражада капиталлашувини таъминлаш уларнинг иқтисодийёт реал секторини кредитлаш борасидаги имкониятларини яхшилаб рақобатбардошлигини оширади. Хорижий инвестицияларни банк тизимига жалб этиш, банкларимизнинг халқаро сармоя бозорларига кириши учун шароит яратади. Капитал бозоридаги “Б5” банклари улушининг йилдан-йилга камайиб бориши ва аксинча, бошқа банклар улушининг ортиб боришини эса ижобий ҳолат юзага келган дея баҳолаш мумкин.

Фикримизча, “Б5” банкларининг кредит ва депозит бозорларидаги улушларининг камайиб бориши республикамиз банк хизматлар бозорида рақобат муҳити шаклланишига имконият яратади. Банк хизматлар бозоридаги рақобатни таҳлил қилишда рақобат чегарасини аниқ белгилаш муҳим аҳамият касб этади. Бозордаги рақобат чегарасини назорат қилишда жаҳон амалиётида Херфиндал-Хиршман индексидан фойдаланилади. Ушбу индекснинг умумий кўриниши куйидагича²⁰:

$$HNI = S_1^2 + S_2^2 + \dots + S_n^2 \quad (8)$$

Бу ерда:


HNI – Херфиндал-Хиршман индекси;

¹⁹ Тижорат банклари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

²⁰ Александрова Е.И., Гусиева М.Б. и другие. Общеэкономические основы рыночного хозяйствования. -М.: 2002. -с. 58-59.

$S_1^2, S_2^2, \dots, S_n^2$ - бозорда фаолият кўрсатаётган фирма ва ташкилотларнинг улуши.

Херфиндал-Хиршман индексини банклар бозорига татбиқ этадиган бўлсак, рақобат чегараси юқорида билдирилган фикрлар асосида бозордаги ўртача ҳолат айрим давлатларда $1000 \leq X \leq 2500$ оралиқда баҳоланади.




4-расм. Айрим давлатлардаги “Б5” банкларининг активдаги улуши²¹

2008 йилда МДХ давлатлари “Б5” банкларининг активлари бўйича Херфиндал-Хиршман индекси таҳлил қилинганда, деярли барча давлатларда ўртача рақобат сақланиб қолинганлиги кузатилади.

Херфиндал-Хиршман индекси 2008 йилда Арманистонда-560,5, Россияда-780,5, Қозоғистонда-788,6, Украинада-800,6, Грузияда-1633,5, Беларусда-2519,2, Ўзбекистонда-2074,2 ва Озарбойжонда-2306,5 га тенг бўлган. Европа давлатларида “Б5” банкларининг умумий кредитдаги улуши 2008 йилда Германияда-19,36 фоиз, Францияда-40,9 фоиз, Англияда-45,5 фоизни, Италияда-50,5 фоиз, Испанияда-50,8 фоиз, Бельгияда-75,8 фоизни, Голландияда-82,9 фоизни ва Ўзбекистонда эса 73 фоизни ташкил этган.

МДХ мамлакатларида ҳудудларнинг кредитлаш даражаси пасайиб бориши банклар ўртасида кредит қўйилмаси бўйича монополлашув даражасини ортшига олиб келган.

²¹ Интернет маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.



5-расм. МДХ давлатлари (Россия, Қозоғистон, Украина ва Ўзбекистон) кредит қўйилмалари бўйича Херфиндал-Хиршман индекси²²

Жаҳондаги иқтисодий инқирознинг таъсири кредитлаш тизимини 2008 йилда 2007 йилга нисбатан 35-45 фоиз атрофида камайишига олиб келди. Айнан ушбу давлатларнинг кредит қўйилмалари асосида Херфиндал-Хиршман индекси таҳлил қилинганда 2007-2008 йилларда банк хизматлари бозорида монополлашув ҳолатини кузатиш мумкин. Таҳлил қилинган Россия, Қозоғистон ва Украина давлатларида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсири кучли бўлиб, тижорат банкларининг кредит бериш салоҳияти кескин камайиб кетган. Юқоридаги ҳолатлар банкларнинг кредит бериш операциялари монополлашуви кучайишига олиб келди.

Худди шундай ҳолатни банкларнинг умумий капиталига нисбатан, кредит қўйилмалари кўрсаткичлари орқали таҳлил қилиш мумкин. Ушбу кўрсаткичлар ёрдамида республикамиз тижорат банкларининг банк хизматлари бозоридаги рақобат муҳитини баҳолаш ва монополлашув жараёнини назорат қилиш мумкин бўлади. 8-жадвал маълумотлари таҳлили кўрсатишича, банк хизматлари бозорида умумий активлар бўйича Херфиндал-Хиршман индекси 2001 йилда 3586,3 бўлган бўлса, 2008 йилга келиб озайиб 1530,5 ташкил этган. Бу эса, республикамиз банк хизматлари бозорида умумий активлар кўрсаткичи бўйича ўртача рақобат даражаси шаклланганлигини билдиради.

Олинган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 2002-2005 йилларда йирик банклар банк хизматлари бозорида 13 та кўрсаткичи бўйича монополистик ҳолатни сақлаб қолган бўлса, 2008 йилда 7 та кўрсаткичлар бўйича бозорда соғлом рақобат даражасига эришилганини кўриш мумкин. Тижорат банкларининг кредит қўйилмаларидаги “Б5” банкларининг улуши ҳам кузатишган даврда юқориликка сақланиб қолмоқда. 2008 йилда 2002 йилга нисбатан Херфиндал-Хиршман индекси кўрсаткичи 2 бараварга камайиб, бошқа банкларнинг иштироки суғашди.

²² Интернет сайтлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг Херфиндал-Хиршман индекси динамикаси²³

Кўрсаткичлар	Йиллар							
	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008
Кредит кўйилмалар бўйича	4376.2	6285.7	5492.8	5873.3	4536.9	2876.2	2853.5	2392.4
Саноат тармоғи	5139.8	6404.6	6628.1	5533.3	5034.8	4161.1	3379.8	3976.0
Қишлоқ хўжалиғи тармоғи	2554.7	1758.0	2095.8	1729.9	2800.0	2841.0	1821.3	3152.7
Қисқа мuddатли кредит	2856.2	1976.2	2355.1	1444.0	994.0	1170.0	846.1	241.5
Узоқ мuddатли кредит	4765.8	5126.2	5940.9	4779.5	3734.3	3094.5	2093.8	2190.6
Жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар	247.3	272.0	333.4	1000.7	1253.0	1124.1	634.6	478.4
Давлат корхона-ларига ажратилган кредитлар	6671.2	7005.0	7288.1	6649.0	5718.3	5180.1	2084.7	907.3
Юридик шахс бўлмаган тадбиркорларга ажратилган кредитлар	3115.6	2910.3	2740.4	1896.1	1756.1	1580.1	955.8	666.9
Қўшма корхоналарга ажратилган кредитлар	1241.5	1082.7	906.2	901.2	944.6	1091.9	579.7	421.5
Банк активлари	3586.3	2713.7	4434.8	3324.6	2866.3	2048.0	1596.8	1530.5
Банк капитали	3717.0	1615.0	1400.1	1285.3	1039.0	819.0	1849.9	1243.6
Хусусий корхоналарга ажратилган кредитлар	3115.6	2910.3	2740.4	1896.1	1756.0	1580.1	955.8	666.9
Депозитлар	2414.2	1878.4	1358.7	1607.1	1469.6	1313.8	1139.0	703.8

2008 йилда яна бир кўрсаткич иқтисодиётнинг саноат тармоғига сарфланган кредит кўйилмалари салмоғи бўйича йирик банклар монополлашув даражасини сақлаб қолган. Саноат тармоғига ажратилган кредитлар бўйича монополлашув даражасининг мавжудлиги узоқ мuddатли кредитлар индексининг кейинги йилларда нисбатан барқарор суръатларда ўсганлиги билан белгиланади. Ушбу кўрсаткич “Б5” банкларининг улуши йилдан-йилга ошиб бормоқда. Банк хизматлари бозоридаги бошқа банклар улушининг қисқариши, биринчи навбатда, уларнинг кредит бериш кўрсаткичларини сусайганлиги туфайли содир бўлди. Йирик банкларнинг монополлашуви кузатилган даврда, уларнинг улуши 70-80 фоиздан ортиқ бўлган. Таҳлиллар кўрсатишича, ўртача рақобат даражаси сақланган ҳолатда ушбу кўрсаткич 60-65 фоиз атрофида бўлганлиги аниқланган.

Фикримизча, банк хизматлар бозоридаги рақобат чегарасини мунтазам равишда назорат қилишда қуйидагиларга эътибор бериш зарур:

– Херфиндал-Хиршман индекси асосида банк хизматлар бозорида рақобат чегарасини доимий равишда назорат қилишда унинг чегарасини: кучли рақобат $x \leq 1000$ ораликда, ўртача рақобатни $1000 \leq x \leq 3500$ ораликда ва монопол ҳолатни $x \geq 3500$ ораликда сақлаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз;

²³ Тижорат банкларининг маълумотига кўра муаллиф ҳисоб-китоби.

– Херфиндал-Хиршман индекси асосида банкларнинг иқтисодий кўрсаткичларини доимий равишда назорат қилиш “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонунининг 50-моддаси бажарилишига ва молия-банк тизими барқарорлигини янада мустаҳкамлаш имконини оширади;

– Марказий банк банк хизматлари бозорида Херфиндал-Хиршман индекси асосида ўртача рақобатни мунтазам равишда назорат қилишда йирик тижорат банкларининг банк кўрсаткичларидаги улушини (Йирик тижорат банклари кўрсаткичидаги улушлари йиғиндиси) 60 фоиздан оширмаслиги лозим.

Банк тизимининг рақобатбардошлиги – бу, рақобатбардошликни ошириш вазифасини ҳал қилишдаги асосий бўгин ва универсал инструмент-дастак бўлиб, sanoатни, шу жумладан, қайта ишлаш ва юқори технологик соҳаларнинг ривожланиши устун даражада бўлган банк тизимининг рақобатбардошлигига боғлиқдир. Жаҳон амалиётида ва иқтисодий адабиётда банклар ўртасидаги “рақобатбардошлик” ва “рақобат” тушунчалари турлича талқин қилинади. “Рақобатбардошлик” тушунчаси “рақобат” тушунчасига нисбатан кенг маънони англатади. Иқтисодий адабиётда рақобатбардошлик тушунчасига турлича ёндошувлар мавжуд бўлиб, уни қуйидагича таърифлаш мумкин: Банк рақобатбардошлиги - рақобат бозорида иштирок этаётган банк ва банк хизматларини бошқа ўхшаш объектлар билан қиёсий таққослашда қўлланиладиган яшовчанликка мослашиш қobiliяти тушунилади. Қисқача рақобатбардошлик формуласини қуйидаги кўринишда ифодалаш мумкин:


Банк рақобатбардошлиги=Сифат + баҳо + хизмат кўрсатиш даражаси.

Жаҳон амалиётида тижорат банклари рақобатбардошлиги баҳоланишида қатор усуллардан фойдаланилади. Ушбу усуллар эса қатор сабабларга кўра, ривожланиб бораётган банк амалиёти талабларига тўлиқ жавоб бера олмапти. Бу ҳолатларнинг юзага келиши биринчидан, ҳисоблаш учун зарур бўладиган маълумотлар базасининг етарли эмаслиги, иккинчидан, берилаётган маълумотлар тўлиқ бўлмаганлиги банк рақобатбардошлигини тўғри баҳолаш имконини бермайди.

Банклар фаолиятини молиявий ва миқдорий кўрсаткичлар асосида баҳолашда, уларнинг сифат кўрсаткичларини ҳисобга олмаслик умумий рақобатбардошлик кўрсаткичларини пасайтириб юборади. Бизга маълумки, банклар фаолияти мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳолати билан бевосита боғланган бўлиб, банк фаолиятига таъсир этувчи ички ва ташқи омиллар ҳисобга олинмиши зарур. Тадқиқот ишида банк рақобатбардошлигига таъсир этувчи 14 та омилни таҳлил қилиш мақсадида анкета сўровномалари ўтказилди. Сўровнома республикамизнинг 500 дан ортиқ етакчи банк мутахассислари иштирокида ўтказилди ва уларнинг рақобатбардошлик даражаси Дельфи усули орқали баҳоланди²⁴.

²⁴ Дельфи усули орқали эксперт сўровномаларини баҳолашни компьютер дастури ишлаб чиқилган. Дастур муаллифлари проф. Зияев М.К., и.ф.н. Мирзаев Ф.И. ва Маханов К.С.

Сўровнома маълумотларини чуқур таҳлил қилиш асосида банк рақобатбардошлигига таъсир этувчи омил бўлган банк капитали-1914 ранга, банк даромади-2730 ва банк рентабеллик даражаси-2690 ранга тенг бўлганлиги аниқланди. Таҳлилларимиз кўрсатишича, банкларнинг рақобатбардошлиги даражаси юқори бўлиши банкларнинг капиталлашуви ҳолати билан белгиланади. Банк даромадлари юқори бўлиши ўз навбатида, банк хизматлар бозорида рақобатбардошликни белгилаб берувчи муҳим омиллардан бири эканлиги аниқланди.



6-расм. Банк рақобатбардошлигига таъсир этувчи омилларни Дельфи усули ёрдамида аниқлаш²⁵

Фикримизча, банклар фаолияти рақобатбардошлигини баҳолашнинг шундай универсал усулини топиш керакки, ушбу усул тижорат банклари интеграл коэффициентларига таъсир этувчи омиллар улуши ўрнини тўғри аниқлаш имкониятини берсин. Ушбу усул банкларнинг актив ва пасивларини, капитали етарлигини, даромад ва рентабеллигини, банк имижи кўрсаткичларини мужассамлаштирган бўлиши зарур.

Жаҳон амалиётида қўлланилиб келаётган Кудашева шкаласи асосида баҳолаш банк рақобатбардошлигини нисбатан аниқ баҳолаш имконини беради. Ушбу шкаланинг оралиқ чегараси қуйидагича, (9-жадвал):

²⁵ Муаллиф томонидан ҳисобланган.

Банклар рақобатбардошлигини баҳолашда Кудашева шкаласи²⁶

10-15 баллгача	16-25 баллгача	26-35 баллгача	36-45 баллгача	46-50 баллгача
Паст даража	Ўртадан паст даража	Ўрта даража	Ўртадан юқори даража	Юқори даража

Банкларнинг ички ва ташқи ҳолатини баҳолаш амалиётига балли баҳолаш тизими киритилган бўлиб, ушбу балларнинг умумий шкаласи банкнинг рақобатбардошлик даражасининг K_{min} ҳолатга интилиши 10 бирликка ва K_{max} бирликка интилиши эса 50 бирлик деб қабул қилинган.

Банкларнинг ички хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, унинг рақобатбардошлиги даражаси 5 та мезон кўрсаткичлари орқали қуйидагича ҳисобланади:

$$O_{\text{ички}} = K_{\text{ан}} \times 0.343 + K_{\text{дк}} \times 0.337 + K_{\text{др}} \times 0.227 + K_{\text{и}} \times 0.011 + K_{\text{рк}} \times 0.032 \quad (9)$$

Бу ерда:

0,343, 0,337, 0,227, 0,011 ва 0,032 қийматлар банкнинг ички ҳолатини баҳоловчи кўрсаткичлар;

K_{ан}-актив ва пассивларни баҳолаш кўрсаткичи;

K_{дк}-капитални баҳолаш кўрсаткичлари;

K_{др}-рентабеллик ва даромадлилигини баҳолаш кўрсаткичлари;

K_и-банк имижини баҳолаш кўрсаткичи;

K_{рк}-сифат ва баҳо кўрсаткичи.

Банкнинг ташқи ҳолати орқали унинг рақобатбардошлиги қуйидагича аниқланади:

$$O_{\text{ташқи}} = K_{\text{ch}} \times 0.293 + K_{\text{pc}} \times 0.485 + K_{\text{rp}} \times 0.222 \quad (10)$$

Бу ерда:

0,293, 0,485 ва 0,222 қийматлар банкнинг ташқи ҳолатини баҳоловчи кўрсаткичлар;

K_{ch}-аҳолини турмуш даражаси динамикаси;

K_{pc}-мамлакат иқтисодий ҳолатини баҳолаш кўрсаткичи;

K_{rp}-давлат томонидан иқтисодиётни бошқариш кўрсаткичлари.

Умумий ҳолда тижорат банкларининг рақобатбардошлигини интеграл коэффиценти (K_{кс}) қуйидагича аниқланади:

$$K_{\text{кс}} = O_{\text{ички}} \times 0.75 + O_{\text{ташқи}} \times 0.25 \quad (11)$$

Бу ерда:

0,75 банкнинг ички муҳитини баҳолаш коэффиценти;

0,25 банкнинг ташқи муҳитини баҳолаш коэффиценти.

Ушбу таклиф этилаётган усулнинг қулайлиги, биринчи навбатда, банкнинг молиявий фаолиятини тўлиқ қамраб олиши билан баҳоланади. Ушбу молиявий кўрсаткичларга банкнинг актив ва пассивлари, капиталнинг етарлиги, даромади, рентабеллиги ва бошқа муҳим кўрсаткичлари

²⁶ Тижорат банклари рақобатбардошлигини баҳолашнинг Кудашева шкаласи.

киритилади. Банкинг рақобатбардошлик кўрсаткичи уни молиявий бозорда самарали фаолият олиб боришида намоён бўлади.

Давлат томонидан банклар рақобатбардошлик даражасини донмий назорат қилиш давлат томонидан мамлакат иқтисодиётини бошқаришда муҳим роль ўйнайди. Республикамининг йирик тижорат банклари ҳисобланган Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, “Ўзсаноатқурилиш банки”, “Асакабанки”, “Агробанк” ва “Қишлоқ қурилиш банк”лари рақобатбардошлик даражаси куйидаги кўринишга эга.

10-жадвал

Республиканинг йирик тижорат банкларининг рақобатбардошлик даражасини ўзгариши²⁷

№	Тижорат банклари	2001 й.	2002 й.	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.
1.	ТИФ Миллий банки	32,8	35,4	26,8	27,4	27,7	27,7	27,6	27,9
2.	Агробанк	20,8	22,2	25,8	26,2	26,4	26,7	26,9	27,4
3.	Асака банк	23,7	22,9	25,7	25,9	26,2	26,4	26,5	27,0
4.	Ўзсаноатқурилиш банки	21,2	24,7	25,2	25,7	25,9	26,0	26,5	26,6
5.	Қишлоқ қурилиш банки	19,6	22,0	24,6	25,0	25,3	25,5	25,8	26,2

2008 йилда Кудашева шкаласи бўйича республикаминг йирик тижорат банкларининг рақобатбардошлик даражаси ҳисобланганда ўрта даражада эканлиги аниқланди, шу жумладан, ТИФ Миллий банкининг рақобатбардошлик даражаси ўртача бўлиб, 27,9 баллни ташкил этган. Ушбу ҳолат республикаминг иқтисодиётининг макроиқтисодий кўрсаткичлари яхшиланиб бораётганлигидан далолат беради.

Тижорат банкларининг хизматлар бозориди рақобат ва рақобатбардошлигини баҳолаш уларнинг ички муҳитдаги фаолиятини аниқлаш имконини берсади, ташқи фаолиятини бошқариш ва тизимлаштириш муаммо бўлиб қолмоқда. Тижорат банклари ўртасидаги рақобатни бошқариш ва тизимлаштиришни жаҳон амалиётида урта концепцияси ишлаб чиқилган. Биринчи концепция, “Омминг кизиқиши”, иккинчиси, Нобель мукофоти лаурияти Жозеф Стиглиц томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, бу “давлатнинг устуңлиги” концепцияси, деб аталади. Учинчи концепция “Эркин танлаш” концепцияси АҚШда 2007 йилда бошланган ипотека инқирози давригача амал қилди. Жаҳонда бошланган молиявий-иқтисодий инқироз мазкур концепцияларнинг муқаммал эмаслигини ва уни тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини кўрсатди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов “...авж олиб бораётган глобал молиявий инқироз жаҳон молия-банк тизимида жиддий нуқсонлар мавжудлиги ва ушбу тизимни тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини кўрсатди” – деб таъкидлаб ўтади²⁸.

²⁷ Тижорат банклари маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

²⁸ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози. Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент, “Ўзбекистон”. 2009. - Б 5.

Тараққий этган мамлакатлардаги йирик тижорат банкларининг инқирози ҳар бир давлатнинг банк хизматлари бозоридаги фаолиятини қайта кўриб чиқиш зарурлигини тақозо этмоқда. Жаҳон амалиёти кўрсатишича банклар ўзининг кредит сиёсатини ишлаб чиқиш жараёнида рискни тўғри тақсимлашлари ва бошқаришлари зарур бўлади, акс ҳолда банкларнинг ликвидлиги кескин пасайиши мумкин. АҚШнинг аксарият тижорат банклари юқори фойда олиш мақсадида ўзининг пасивларини 60-70 фоизини ипотека кредитларига ажратдилар ва банк тизимида чуқур инқирознинг юзага келишига сабаб бўлди.

Банкларнинг ликвидлигига спекулятив кредитларнинг берилиши, облигациялар курсларининг тушиб кетиши жиддий салбий таъсир кўрсатди. Бу эса, банклар ва кредит-молия институтлари ўртасидаги рақобатнинг кескинлашувига олиб келди. АҚШ, Ғарбий Европа ва Япония давлатларидаги банкларнинг ипотека инқирози оқибатида ликвидлик даражасининг тушиб кетиши туфайли, банк хизматлар бозорида янги миқозларни излаб топиш ва бўш пул маблағларини банкларга жалб этиш кескин тус ола бошлади. Бу, инқирознинг чуқурлашуви ривожланган давлатлардаги Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг пастлиги, марказий банклар томонидан юмшоқ пул-кредит сиёсатининг олиб борилиши ва жаҳон иқтисодиётининг ўсиш суръатларининг пасайиши билан кучайди.

Ипотека кредити кризисининг келиб чиқишида, ипотека кредитларини гаров билан таъминланганлик даражаси жуда паст даражада эканлиги ҳам катта роль ўйнайди. Республикамизда ушбу кўрсаткич 125 фоизни ташкил этган ҳолда, Италияда-50, Австрияда-50, Германияда-70 фоиз, Францияда-75, Буюк Британияда-75, Швецияда-80, Японияда-80, АҚШда-80 ва Голландияда-90 фоизни ташкил этади²⁹. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози тижорат банкларининг узоқ йилларга мўлжаллаб ишлаб чиқилган стратегик режаларини амалга ошириш имконини бермади. Натижада, банклараро рақобат сусайди, тараққий этган мамлакатларда йирик тижорат банкларини сақлаб қолиш мақсадида давлат томонидан маблағлар ажратилди. Бу эса банклараро рақобатнинг “Эркин танлаш” концепциясининг қайта кўриб чиқиш заруратини келтириб чиқарди.

Тадқиқотлар жараёнида республикамизда банклараро рақобат концепциясининг лойиҳаси ишлаб чиқилди. Концепция тижорат банкларининг микро, макро, мезо ва мета даражасидаги стратегияси асосида, банкнинг маҳаллий ва хорижий молия бозоридаги қисқа ва узоқ муддатга мўлжалланган фаолият юритиш стратегиясига бўлган эҳтиёжларни қондириш мақсадида ишлаб чиқилган ва давлат банк тизимини тартибга солишнинг босқичма-босқич амалга оширилиши зарурлиги асосланди.

²⁹ Вахабов А.В. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: сабаблари, хусусиятлари, чуқурлашмиш босқичлари ва ижтимоий-иқтисодий оқибатлари. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: миллий манфаатлар ва инновацион сиёсат. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. –Тошкент, 2009. –Б. 26-37.



7-расм. Банклараро рақобатни шакллантиришнинг концептуал асоси³⁰

Банклараро рақобатни шакллантиришнинг концептуал асосларини давлат томонидан тартибга солиш орқали ташкил этишда қуйидаги масалаларни ҳал этиш лозим:

- микростратегияларда банкларни хусусийлаштириш жараёнини амалга ошириш, банкларни универсаллаштириш жараёнини тугатиш, банкларни янги, юқори технологиялар билан таъминлаш, банкларни минтақаларда ривожлантириш, банк хизмат турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш;

- макростратегияда, банклар асосида МСГларни ташкил этиш, банкларни бошқа бозорлардаги фаолиятини жадаллаштириш, банк тизимини халқаро стандартларга мослаштириш;

- мезостратегияда, МДХ мамлакатларининг банк хизматлар бозорида иштирок этиш, уларнинг банк филиаллари фаолиятини ривожлантириш ва Марказий Осие минтақасида ягона банк бозорини ташкил этиш;

- метастратегияда жаҳон банклараро бозорига кириб бориш ва банк хизматларини амалга оширишда иштирок этиш.

Тадқиқот ишида республикамізда банклараро рақобатни шакллантиришда тижорат банкларининг банк хизматлар бозоридан ташқари

³⁰ Муаллиф томонидан тузилган.

суғурта бозоридаги ишгирикни таъминлаш истиқболлари, тижорат банклари стратегик маркетинг фаолиятини ривожлантиришда банк реинжиниринги ва бенчмаркингдан фойдаланиш йўллари ва тижорат банклари асосида молия-саноат гуруҳларини бошқарувчи компания усули орқали ташкил этишнинг устувор йўналишлари аниқланди. Ушбу концепцияда яқин келажакда, банкларнинг банк хизматлар бозоридаги янги бизнес фаолияти ривожланиши ва бошқа кредит ташкилотлари билан рақобатлашиш имконияти ошиши асослаб берилди.

ХУЛОСА

Тадқиқот ишида республикада банклараро рақобатни шакллантиришнинг концептуал асосларини яратиш ва ривожлантириш мақсадида қуйидаги илмий хулосалар ишлаб чиқилди:

1. Тадқиқот натижасида “банклараро рақобат” ва “банк рақобатбардошлиги” тушунчалари иқтисодий моҳиятининг такомиллашган таърифи шакллантирилди.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги 1996 йил 25 апрелдаги N 216-1 рақамли Қонунининг 40-моддасидаги “банкларнинг банк операциялари бозорини монополиялаш” сўзи ўрнига “банкларнинг банклар бозорини монополиялаш” деб ўзгартириш зарур деб ҳисоблаймиз. Чўнки, банкларнинг банк операциялари бозори тушунчаси, банк бозорига нисбатан кичик бўлиб, банкларнинг монополиялашув даражасини тўлиқ акс эттирмайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 15 ноябрдаги №ПФ-3162 сонли “Республика банк кенгашини тузиш тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ банк хизматлари бозорига молиявий институтларнинг кириб келиши, инвестиция фондлари ва банкдан ташқари ташкилотлари хизматлари ортиб боришини ҳисобга олган ҳолда, “банк хизматлар бозорида рақобатни назорат қилиш, банклараро рақобатни ривожлантириш, бошқа молиявий институтлар билан банкларнинг самарали рақобат тизимини ишлаб чиқиш” бўлимини киритиш зарур деб ҳисоблаймиз.

3. Банклараро рақобат муҳитини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллашуви тўрт босқичдан иборатлиги аниқланди.

4. Жаҳон амалиётида банклар ўртасидаги рақобатни баҳолашнинг Бреснахана, Панзара-Росса ва Баррос-Модеста моделлари таҳлил қилинди. Ушбу моделлар банкларнинг харажатлари бир хил бўлгани ҳолда, кредит ва депозит операциялари орқали ва уларнинг хизматларига бўлган талаб функциялари орқали баҳолаш мумкин бўлиб, уларнинг фаолиятини тўлиқ баҳолаш имконини бермаслиги асосланди.

5. Тадқиқот ишида банк рақобатбардошлигига таъсир этувчи 14 та омилни таҳлил қилиш мақсадида анкета сўровномалари ўтказилди. Сўровнома республикада 500 дан ортиқ етакчи банк мутахассислари иштирокида ўтказилди ва уларнинг рақобатбардошлик даражаси Дельфи усули орқали баҳоланди. Сўровнома маълумотларини чуқур таҳлил қилиш

асосида банк рақобатбардошлигига таъсир этувчи омил бўлган банк капитали-1914 ранга, банк даромади-2730 ва банк рентабеллик даражаси-2690 ранга тенг бўлганлиги аниқланди.

6. Республикамиздаги кредит уюшмаларининг ЯИМдаги улуши 2008 йилда 0,3 фоизни, банкларнинг улуши эса 32,7 фоизни ташкил этганлиги таҳлил қилинди. Банк хизматлари бозоридаги ҳолатни таҳлил қилиб, тижорат банклари билан рақобат қилувчи банкдан ташқари ташкилотларнинг улуши ривожланмаган деб ҳулоса қилиш мумкин. Ушбу ҳолат эса, ўз навбатида, банк хизматлари бозорида фақат банклар ўртасидаги рақобатнинг кескинлашувига олиб келганлиги асосланди.

7. Жаҳон амалиётида молия саноат гуруҳларини тузиш 3 та усулда амалга оширилиши таҳлил қилинди. Биринчи усул, Front office деб номланиб, бунда МСГлар банклар асосида ташкил этилиб, таклиф этилаётган турли хил хизматлар маълум бир турдаги миқдорларга хизмат кўрсатади. Иккинчи усул, Back office бўлиб, банклар асосида ташкил этилган МСГларнинг битта таклиф этилаётган хизмат тури турли миқдорларга хизмат кўрсатади. Учинчи усул, бошқарувчи компания усули, деб номланиб, бунда иккита усул умумлаштирилган ҳолда турли хизматлар таклиф этилади ва уларнинг миқдори турли секторлардан бўлади. Жаҳон амалиётида учинчи усул орқали ташкил этилаётган МСГлар банк хизматлари бозорида рақобатбардошлигини таъминлаш имкони юқори бўлиб, республикамизда бошқарувчи компания усули орқали МСГларни ташкил этиш мақсадга мувофиқлиги аниқланди.

8. Банклараро рақобатни баҳолашнинг “Омманинг қизиқиши”, “Давлат устунлиги” ва “Эркин танлаш” концепциялари ўрганилиб, жаҳонда бошланган молиявий-иқтисодий инкироз мазкур концепцияларнинг мукамал эмаслигини ва уни тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини кўрсатди. Ушбу ҳолат банк фаолиятини бошқариш ва тизимлаштириш учун янги концепция ишлаб чиқиш зарурлигини келтириб чиқарди.

Юқорида қайд этилган ҳулосаларга таянган ҳолда, республикамизда банклараро рақобатни шакллантиришнинг концептуал асосларини яратиш бўйича қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Тижорат банклари ўртасидаги банклараро рақобатни рентабеллик ва жорий ликвидлик кўрсаткичлари асосида баҳолаш усуллари таклиф этилган. Баҳолаш мезонлари сифатида кучли рақобат 0,0-0,30, ўртача рақобат 0,31-0,60 ва монопол рақобат 0,61 дан юқори кўрсаткичлар меъёри таклиф этилган. Жорий ликвидлик кўрсаткичларини 30%, 35% ва 40% ҳолатларига кўра, 2011 йилларгача бўлган даврга мўлжалланган илмий прогнози ишлаб чиқилиб, жорий ликвидлик кўрсаткичи миқдорини 35% қилиб белгилаш асосланди.

2. Тижорат банкларининг кредит беришидаги, инвестицияларни жалб этишдаги ва ҳудудларда банк филиалларини очишнинг ҳолатлари Даймонд, Хольстрём-Тироль, Салоп моделлари ёрдамида таҳлил қилинди ва улардан мамлакат банк тизимида рақобатни шакллантиришда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

3. Фикрмизча, республикамиз “Б5” тижорат банклари (ТИФ Миллий банк, “Ўзсаноатқурилишбанк”, “Агробанк”, “Асакабанк”, “Қишлоқ қурилиш

банки”)даги рақобатлашув даражасини Херфиндал-Хиршман индекси орқали баҳолашда банк хизматлар бозоридаги рақобатни баҳолаш мезонлари сифатида, кучли рақобат $x \leq 1000$ ораликда, ўртача рақобатни $1000 \leq x \leq 3500$ ораликда ва монопол ҳолатни $x \geq 3500$ ораликда бўлиши зарур, деб ҳисоблаймиз.

4. Кудашева шкаласи асосида “Б5” тижорат банкларнинг рақобатбардошлигини микро ва макро даражада аниқлаш банкларнинг банк хизматлар бозоридаги ҳолатини тўғри ва аниқ баҳолаш имконини беради.

5. Марказий банк томонидан банк хизматлари бозорида Херфиндал-Хиршман индекси асосида соғлом рақобатни мунтазам назорат қилишда йирик тижорат банкларининг банк тизими кўрсаткичларидаги улушини 60 фоиз атрофида бўлиши мақсадга мувофиқдир.

6. Ривожланган давлатларда банк хизматлар бозоридаги янги хизмат турлари (“Видеокиоск”, “ипотека паспорти” сервис хизмати ва интернет-банк хизмат турлари) таҳлил этилиб, уларни республикаimiz банк тизимига ижодий жорий этиш бўйича берилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

7. Тижорат банкларининг стратегик концепциясига мувофиқ банкларнинг рақобат мухитини микро, макро, мезо ва мета стратегиялар даражасида ташкил этиш банкларнинг яқин истиқболдаги ривожланишини тўғри баҳолаш имконини беради.

8. Тижорат банклари стратегик маркетинг фаолиятини ривожлантиришда банк реинжиниринги ва бенчмаркингдан фойдаланиш банкларнинг хизматлар бозоридаги янги бизнес фаолиятини ривожлантиришга ёрдам беради.

9. Республикаimiz банклараро бозорида рақобат мухитини микростратегия, макростратегия, мезостратегия ва метастратегия даражаларида давлат томонидан тартибга солиш орқали босқичма-босқич ташкил этиш концепцияси ишлаб чиқилди ва у банклараро рақобатни ривожлантиришга хизмат қилади.

10. Марказий банк томонидан тижорат банкларига бериладиган овердрафт кредитларини уч кундан етти кунгача бўлган муддатда бериш амалиётини жорий этиш банкларнинг банк хизматлари бозоридаги муҳим кўрсаткичи унинг ликвидлигини таъминлаш имконини беради.

11. Тижорат банклари фоиз ставкалари ўртасидаги коридорни янада яқинлаштириш мақсадида, умумий маржа миқдорини 4-7 фоиз оралигида бўлишини таъминлаш зарурлиги таклиф этилди. Ушбу кўрсаткич Марказий Европа давлатларида 4-9 фоиз, АҚШда-2,7 фоиз, Швецияда-3,9, Голландияда-2,7, Бельгияда-3,7, Испанияда-3,0, Буюк Британияда-3,5, Италияда-2,5, Францияда-3,0 ва Германияда-2,5 фоизни ташкил этади. Фоиз маржасининг паст бўлиши банк харажатининг камайишига, монополлашувининг олдини олишга ва кредит рискинни бошқариш имконини беради.

12. Бенчмаркинг концепцияси асосида банк мижозларини доимий равишда назорат қилишда BSC (балансда ушлаб туриш) усулидан фойдаланишнинг афзалликлари асосланди. Банкларнинг йирик сармояли

мижозларининг айланма маблағлари, кредит портфелидаги, пассивлардаги ва пул оқимидаги улуши 25 фоиздан тушиб кетса, зудлик билан таҳлил этилиши зарурлиги асосланиб, ушбу ҳолат мижозни доимий назорат қилиш имконини беради.

13. Банк хизматлар бозорида банкдан ташқари ташкилотларнинг фаолият кўрсатиши рақобатнинг кескинлашувига сабаб бўлаётгани аниқланди. Жаҳон тажрибасини чуқур таҳлил қилиш асосида банкларнинг суғурта бозорида операцияларни ўтказишга рухсат бериш лозимлиги асосланиб, уларнинг суғурта бозоридаги умумий улушини 10 фоиз атрофида бўлиши таклиф этилди. Ушбу ҳолат банкларнинг хизматлар бозоридаги фаолиятини ривожлантириш имконини беради.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

Монография ва илмий журналлардаги мақолалар

1. Мирзаев Ф.И. Молиявий рискларнинг турлари, таснифи, бошқариш ва баҳолаш усуллари. Монография.-Тошкент, Молия, -2006. -136 б.
2. Мирзаев Ф.И. Банклараро рақобат: моҳияти, шаклланиши ва ривожланиш босқичлари. Монография.-Тошкент, Молия, -2008. -276 б.
3. Мирзаев Ф.И. Банкларнинг Интернет тармоғи орқали қимматли қоғозларни сотишдаги ўрни// Бозор, пул ва кредит.-Тошкент, 2004.-№ 4. –Б. 16-18.
4. Мирзаев Ф.И. Эҳтимоллик тақсимотидан фойдаланган ҳолда банк хатарларини баҳолаш // Бозор, пул ва кредит.-Тошкент, 2005.-№ 3. –Б. 18-20.
5. Мирзаев Ф.И. Тижорат банклари ўртасидаги рақобатни шакллантиришда математик модуллаштириш усули // Бозор, пул ва кредит.-Тошкент, 2006.-№ 5. –Б. 22-25.
6. Мирзаев Ф.И. Тижорат банкларининг рақобатдошлик муҳитини баҳолашда Хольмстрём ва Тироль модули// Бозор, пул ва кредит.-Тошкент, 2006.-№ 11. –Б. 10-13.
7. Мирзаев Ф.И. Банклараро рақобатни шакллантиришда банк маркетинги // Жамият ва бошқарув.-Тошкент, 2007.-№ 1. –Б. 50-53.
8. Мирзаев Ф.И. Банклараро рақобатни шакллантиришда банк маркетинги ўрни // Бозор, пул ва кредит.-Тошкент, 2007.-№ 4. –Б. 10-13.
9. Мирзаев Ф.И. Банкларнинг ҳудудий бўлимлар очилишида салоҳиятидан фойдаланиш // Бозор, пул ва кредит.-Тошкент, 2007.-№ 7. –Б. 25-27.
10. Мирзаев Ф.И. Пути повышения конкуренции и конкурентоспособности коммерческих банков // Экономика и финансы.- Москва. 2007. - № 12, -С. 26-29.
11. Мирзаев Ф.И. Роль конкуренции между банками // Экономика и финансы. Москва. 2008. -№5, -С. 30-32.
12. Мирзаев Ф.И. Банклараро рақобат // Жамият ва бошқарув.-Тошкент, 2008.- № 2, -Б. 48-50.
13. Мирзаев Ф.И. Тижорат банкларининг рақобатбардошлигини баҳолаш // Жамият ва бошқарув.-Тошкент, 2008. -№ 3, -Б. 58-60.
14. Мирзаев Ф.И. Тижорат банкларининг рақобати ва рақобатбардошлигини ошириш йўллари // Жамият ва бошқарув.-Тошкент, 2009. -№ 1, -Б. 58-60.
15. Мирзаев Ф.И. Конкуренция – основа банковской стратегии// Экономика и финансы.- Москва, 2009. -№ 6. -С. 24-26.
16. Мирзаев Ф.И. Тижорат банкларининг рақобати // Жамият ва бошқарув.-Тошкент, 2009. -№ 2, -Б. 127-128.

Илмий-амалий конференция тезислари

17. Мирзаев Ф.И. Республикамизда универсал банклар фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантириш муаммолари // Ўзбекистон Республикаси банк ва молия тизимларида ислохотларни чуқурлаштириш муаммолари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. –Тошкент, 2005. –Б. 44-46.

18. Мирзаев Ф.И. Ипотечное кредитование-один из факторов банковской конкуренции // Ипотечное кредитование: международный опыт, проблемы и перспективы развития. Материалы международной научно-практической конференции. –Ташкент, 2006. –С. 168-169.

19. Мирзаев Ф.И. Тижорат банкларини универсallasштиришда ипотека кредитининг ўрни // Ипотечное кредитование: международный опыт, проблемы и преспективы развития. Материалы международной научно-практической конференции. –Ташкент, 2006. –С. 197-198.

20. Мирзаев Ф.И. Инвестиция фаолиятининг ривожланиши-тижорат банклари ўртасидаги рақобатни шакллантирувчи восита сифатида // Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш тамойиллари, устувор йўналишлари ва истикболлари. Маъруза тезислари материаллари. –Тошкент, 2006. –Б.18-19.

21. Мирзаев Ф.И. Банк хизматлари-корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш омили сифатида // Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришда корпоратив бухгалтерия ҳисоби, молиявий таҳлил ва аудитнинг асосий йўналишлари. Республика илмий-амалий конференцияси. –Тошкент, 2006. –Б. 181-182.

22. Мирзаев Ф.И. Банкларда рақобатни стратегик таҳлилин ривожлантиришда корпоратив бошқарувни ўрни // Ўзбекистонда яхши корпоратив бошқарув амалиётини жорий қилиш муаммолари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. -Тошкент, 2006. –Б.142-144.

23. Мирзаев Ф.И. Банклараро рақобат-стратегик бошқаришнинг муҳим омили сифатида // Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси Банк-молия тизимининг ривожланиши. Халқаро илмий – амалий конференция материаллари. -Тошкент. 2006. –Б. 67-68.

24. Мирзаев Ф.И. Конкурентная позиция коммерческого банка // Социально - экономические закономерности развития мирохозяйственных связей в условиях усиления интеграционных процессов. Тезисы и доклады международной научно-практической конференции. -М., 2006. -С. 125-126.

25. Мирзаев Ф.И. Банк хизматлари бозорини ривожлантириш йўллари// Развитие розничного банковского бизнеса. Тезисы докладов. Материалы международной научно-практической конференции. -Ташкент, 2007. –С. 98-100.

26. Мирзаев Ф.И., Камалетдинов У. Японская система розничного обслуживания фондового рынка // Развитие розничного банковского бизнеса. Тезисы докладов. Материалы международной научно-практической конференции. -Ташкент, 2007. –С. 64-65.

27. Мирзаев Ф.И. Микродаржадаги рақобатни баҳолаш усуллари ва уни банклар бозорига тадбиқ этиш йўллари // 2007-йилда Банк-молия тизимида

ислохатларни янада чуқурлаштириш ва кўламини кенгайтириш. Илмий ишлар тўплами. –Тошкент, БМА. 2007. –Б. 20-26.

28. Мирзаев Ф.И. Тижорат банклари ўртасидаги рақобатни баҳолашда ўқитишни педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш йўллари // Илм-фан ва замонавий тафаккур ижтимоий иқтисодий тараққиёт гаровидир мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2007. –Б. 378-380.

29. Мирзаев Ф.И. Худудларни иқтисодий ривожлантиришда банкларо рақобатнинг ўрни // Дальнейшее углубление реформ в банковско-финансовой системе Узбекистана. Материалы международной научно-практической конференции. –Москва, 2007. –С. 218-221.

30. Мирзаев Ф.И. Банклар бозорида рақобатни ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни // Аҳоли бандлиги ва фаровонлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни . Республика-амалий конференция материаллари. –Тошкент, 2008. –С. 268-271.

31. Мирзаев Ф.И. Молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш ва унинг банклар бозоридаги рақобатга таъсири // Международный опыт создания финансово-промышленных групп и проблемы совершенствования корпоративного управления в Узбекистане. Материалы международной научно-практической конференции. –Москва, 2008. –С. 145-148.

32. Мирзаев Ф.И. К вопросу организации взвешенной учетной политики финансово-промышленных групп, формируемых, а Узбекистане // Международный опыт создания финансово-промышленных групп и проблемы совершенствования корпоративного управления в Узбекистане Материалы международной научно-практической конференции. –Москва, 2008. –С. 108-109.

33. Мирзаев Ф.И. Бозордаги рақобат чегараси ва уни банклар бозорига татбиқ этиш йўллари // Иқтисодий ўсишнинг янги сифати: инновация, рақобатбардошлик, инвестициялар республика илмий-амалий конференция материаллари. –Тошкент, 2008. –С. 27-29.

34. Мирзаев Ф.И. Худудларни иқтисодий ривожлантиришда банк-молия тизимининг ўрни // Иқтисодийти модернизациялаш шароитида минтақаларнинг барқарор ривожланиши республика илмий-амалий конференция материаллари Ижтимоий-иқтисодий тадқиқотлар маркази. – Тошкент, 2008. –Б. 282-285.

35. Мирзаев Ф.И. Жаҳон инвестиция фаолиятига АҚШдаги рецессиянинг таъсири // Инвестиционный потенциал банков: вызовы, возможности и перспективы. Материалы международной научно-практической конференции. –Москва, 2008. –С. 49-53.

36. Зияев М.К., Котов В.А., Мирзаев Ф.И. Совершенствование методов компьютерной обработки результатов экспертных опросов, проводимых в банковской сфере // Банк-молия соҳасида ахборот технологияларининг қўлланиши. Семинар-тренинг тезис материаллари тўплами. –Ташкент, 2009. –С. 137-140.

37. Мирзаев Ф.И., Ҳақимова Л.А. Молия-саноат гуруҳларини ташкил этишда банкларнинг ўрни // Иқтисодий эркинлаштириш шароитида молия бозорини такомиллаштириш. Мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани тезислар тўплами. –Тошкент, 2009. –Б.124-126.

38. Мирзаев Ф.И., Мирзаев А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг олдини олишда мамлакатларнинг турли усулларни қўллаши ва унинг оқибатлари//Банк тизимини такомиллаштириш ва тижорат банклари инвестицион фаоллигини ошириш. Республика илмий-амалий конференция материаллари. –Тошкент, БМА. 2009. –Б.86-91.

39. Мирзаев Ф.И. Минтақаларда банк-молия тизимини ривожлантириш масалалари //Ўзбекистонда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва таъсирини бартараф этишнинг минтақавий хусусиятлари. Олий ўқув юртлариаро илмий-амалий анжуман материаллари. –Бухоро, 2009. –Б.164-166.

**Иқтисод фанлари доктори илмий даражасига талабгор Ф.И. Мирзаевнинг
08.00.07-“Молия, пул муомаласи ва кредит” ихтисослиги бўйича “Ўзбекистонда
банклараро рақобатни шакллантиришнинг концептуал асослари” мавзусидаги
диссертациясининг
РЕЗЮМЕСИ**

Таянч сўзлар: рақобат, банклараро рақобат, банк рақобатбардошлиги, банклараро бозор, банк инқирози, инвестиция фондлари, кредит уюшмалари, хуж фондлар, пенсия фондлари, офшор мамлакатлар, банкдан ташқари ташкилотлар, тармоқ банклари, Даймонд модели, Холтром-Тироль модели, Салоп модели, микродаражадаги рақобат, Херфиндал-Хиршман индекси, банк маркетинги, банк стратегияси, рақобат эволюцион тезлиги, стратегик режалаштириш горизонти, микростратегия, макростратегия, метостратегия, мезостратегия, Кудашева шкаласи.

Тадқиқот объектлари: Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари фаолияти ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади: иқтисодийetni эркинлаштириш шароитида банклараро рақобатни шакллантиришнинг концептуал асосларини яратиш ва ривожлантиришга қаратилган илмий тақлиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот методлари: математик моделлаштириш, гуруҳлаш, таққослаш, умумлаштириш, индукция ва дедукция, трендли таҳлил, иқтисодий-математик усул, эксперт баҳолашнинг Дельфи усули.

Олинган натижалар ва уларнинг янгиллиги: тижорат банклари ўртасида рақобатни математик моделлаштириш асосларини республикаимиз банк тизимида жорий этиш тақлиф этилган; республикаимиз тижорат банкларининг рақобатлашиш омилларини Херфиндал-Хиршман индекси орқали баҳолаш услуги аниқланган ва уни баҳолаш чегаралари ишлаб чиқилган; Кудашева шкаласи асосида банкларнинг рақобатбардошлигини микро ва макро даражада аниқлашга қаратилган амалий тавсиялар берилган; ривожланган давлатлардаги банклараро рақобатни юзага келтирувчи омиллари таҳлил этилган ва уни республикаимиз банк тизимида жорий этиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган; банк хизматлари бозоридаги рақобатни баҳолаш йўллари асосланган; банклараро рақобат муҳитини шакллантиришда-банк маркетинги ва стратегиясининг ўрни аниқланган; банклараро рақобатни шакллантиришнинг концептуал асосларини такомиллаштириш йўналишлари аниқланган.

Амалий аҳамияти: илмий-тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган илмий тақлиф ва амалий тавсиялар республикаимиз тижорат банклари ўртасидаги рақобатни шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилишида, мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқишда қўлланиши мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқиқот ишида олинган илмий тақлиф ва амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Акциядорлик тижорат “Агробанки”, Акциядорлик тижорат “Қишлоқ қурилиш банки” томонидан амалиётга жорий этилган. Тадқиқот иши материалларидан олий ўқув юргларида “Тижорат банки молияси”, “Кредит”, “Замонавий банк иши”, “Халқаро банк иши”, “Банк ва кредит рисклари” фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Қўлланиш соҳаси: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари, олий ўқув юрглари.

РЕЗЮМЕ

диссертации Ф. И. Мирзаева на тему: «Концептуальные основы формирования межбанковской конкуренции в Узбекистане» на соискание ученой степени доктора экономических наук по специальности 08.00.07-«Финансы, денежное обращение и кредит»

Ключевые слова: конкуренция, межбанковская конкуренция, конкурентоспособность банков, межбанковский рынок, банковский кризис, инвестиционные фонды, кредитные союзы, хедж фонды, пенсионные фонды, офшорные страны, небанковские организации, отраслевые банки, модель Даймонда, модель Холстрома - Тироля, модель Салопы, конкуренция на микроуровне, индекс Херфиндаля - Хиршмана, банковский маркетинг, банковская стратегия, эволюционная скорость конкуренции, горизонт стратегического планирования, микростратегия, макростратегия, метостратегия, мезостратегия, шкала Кудашева.

Объекты исследования: деятельность коммерческих банков Республики Узбекистан.

Цель работы: разработка научных предложений и практических рекомендаций по созданию концептуальных основ формирования и развития межбанковской конкуренции в условиях либерализации экономики.

Методы исследования: математическое моделирование, группирование, сравнение, обобщение, индукция и дедукция, трендовый анализ, экономико-математический метод, экспертная оценка по методу Дельфи.

Полученные результаты и их новизна: раскрыты пути внедрения математического моделирования конкуренции между коммерческими банками в банковскую систему республики; разработаны пути оценки конкурентных факторов коммерческих банков республики с помощью индекса Херфиндаля-Хиршмана и предложены критерии оценки; предложены пути определения конкурентоспособности банков на макро и микро уровне на основе шкалы Кудашева; проанализированы факторы, влияющие на межбанковскую конкуренцию в развитых странах и разработаны рекомендации по их внедрению в банковскую систему республики; разработаны пути оценки конкуренции на межбанковском рынке; определена роль и значение банковского маркетинга и стратегии в формировании межбанковской конкурентной среды; выявлены пути совершенствования концептуальных основ формирования межбанковской конкуренции.

Практическая значимость: разработанные в ходе научного исследования научные выводы и практические рекомендации диссертации будут способствовать разработке целевых государственных программы и системы мероприятий по формированию конкуренции между коммерческими банками республики.

Степень внедрения и экономическая эффективность: предложения и рекомендации диссертанта приняты для использования на практике Центральным банком РУз, АК «Агробанк» и АК «Кишлоккурилишбанк». Материалы исследовательской работы можно использовать в совершенствовании учебных программ и процессе преподавания курсов «Финансы коммерческих банков», «Кредит», «Современное банковское дело», «Международное банковское дело», «Банковские и кредитные риски» в высших учебных заведениях.

Область применения: Центральный банк Республики Узбекистан, коммерческие банки, высшие учебные заведения.

RESUME

Thesis of F. Mirzaev on the scientific degree competition of the doctor of sciences in economics, specialty 08.00.07-“Finance, money circulation and credit” subject: “Conceptual grounds of banking competition formation in Uzbekistan”

Key words: competition, banking competition, bank competitiveness, interbank market, recession, crisis, investment funds, credit unions, hedging funds, pension funds, off-shore countries, non-bank organizations, bank branches, Dimond Module, Kholstrom-Tyrol Module, Salop Module, micro-level competition, Herfindale-Hirschman index, banking marketing, banking strategy, competition evolutionary velocity, strategic planning horizon, microstrategy, makrostrategy, metostrategy, mezostrategy, Kudashev scales.

Subjects of research: activity of commercial banks of the Republik of Uzbekistan.

Purpose of work: to develop scientific proposals a practical recommendations on setting up conceptual grounds of formation and development of interbanking competition in conditions of the economy liberalization

Methods of research:: mathematical modeling, grouping, comprising, bunching, induction and deduction, trend analysis, economical-statistical method, expert evaluation Delphy's method.

The results obtained and their novelty: mathematical modeling principles of commercial banks competition were widely analyzed and the ways of their implementation in banking system of our republic were revealed; the republican commercial banks competing factors assessing ways were clarified by applying Herphinal-Hirshman's index and its assessment criterion were proposed; ways of defining banks competitiveness at micro and macro-degrees on the basis of Kudashova's scale werè shown; factors causing banking competition in developed countries were analyzed and proposals on their implementation in the banking system of the republic were developed; ways of banking market competition assessment were grounded proposals on the importance of banking marketing and strategy in formation of banking competitive environment were made; conceptual developed of banking competition assessment were studied.

Practical value: scientific conclusions and practical recommendations of the dissertation will promote elaborating of measures on targeted government programmes and formation of competition among commercial banks of the republic.

Degree of embed and economic effectivity: recommendations and proposals worked out in thesis had been accepted by the Central bank of the Republic of Uzbekistan , «Agrobank» and «Qishlokqurilishbank» of the Republic of Uzbekistan. Materials of dissertation can be used in improving training programs and educational process higher educational institutions courses in «Finance of commercial banks», «Modern Banking», «Credit», «International banking» and «Banking and Credit risks».

Field of application: Central Bank of the Republic of Uzbekistan, commercial banks and higher education institutions.

Тадқиқотчи _____

